

ЗУЛФИЯ ҚИЗЛАРИ

*Давлат мукофоти
совриндорлари ижодидан*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2003

83.3(5У)
3–91

Тўпловчи:

Хайринисо МИРЗАЖОНОВА

Зулфия қизлари (Тўплам) Тўпловчи: Х. Мирзажонова. – Т.:
Ғ. Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003.–64 б.

1. Мирзажонова Х., тўпловчи.

Зулфия қизлари мукофотига 2001 йилда сазовор бўлганлар – катта ҳаёт йўлига дадил интилаётган – ўқиётган, илмий изланишлар олиб бораётган, ижод қилаётган қизлардир. Мазкур тўплам улар мукофотланган пайтдаги таржимаи ҳоли, ўқишда ва ижодда эришаётган ютуқлари ҳақида қисқача маълумот беради.

ББК 83.3(5У)

Т 4702620202–60
М 352(04)–2003 – режага қўшимча, 2003

© Ғафур Фулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2003 й.

ISBN 5-635-02047-X

МАМУТОВА ДИАНА СОБИТОВНА

1988 йил 17 майда Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида туғилган. Қўнғирот туманидаги 83-сонли мактабнинг 7-синф ўқувчиси (Маданият йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Д. Мамутова мактабда аъло ўқиши, намунали хулқи, ўзига талабчанлиги, зийраклиги билан ажралиб туради. У ёш бўлишига қарамасдан аълочи ўқувчи сифатида қаторасига уч йил (1997, 1998, 1999 йиллар) Ўзбекистон Республикаси Халқ

таълими вазирлигининг Фахрий ёрликларига сазовор бўлган. Ё.Жиров номидаги иқтидорли болалар мусиқа мактабининг фортепьяно мутахассислигининг 5-синфида аъло баҳоларга ўқимокда. Миллий куй ва қўшиқлар, Овруро мамлакатлари мусиқаларини севиб ижро этади. Республика «Нафосат» кўриги ғолибидир. Қўнғирот туманидаги «Прогресс» инглиз тилини ўрганиш марказининг талабаси. Қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек ва рус тилларида ҳикоялар, кичик лавҳалар ва мақолалар ёзиб, инглиз тилига бемалол таржима қилади. У туман «Халқ театри»нинг иштирокчисидир, ўзи ёзган ҳикояларини саҳналаштиради. Унинг қорақалпоқ тилида «Ўйланмай айтилган бир оғиз сўз», ўзбек тилида «Шарпадан ҳаётга қадам», рус тилида ёзилган «Как мы однажды повзрослели», «Легенда об Амударьи и Сирдарьи» каби ҳикоялари республика ва туман матбуотида кенг ёритилган ва ўз мухлисларини топа олган. Ҳозирда тўртта тилда завқ билан ижод қилаётган Д.Мамутова аълочи ўқувчи, яхшигина қўшиқчи ва созанда, спорт устаси, жамоатчи мухбир ҳамдир.

НОМУС КУЧИ

(Воқеий ҳикоя)

Оқтурсун хола оиламизнинг эски кадрдонларидан. Ақлим кирибдики, уйимизни уларнинг меҳрибон чехраларисиз тасаввур этиш қийин. Менга қолса-ку, дунёда Оқтурсун холамдан мулойим, меҳрибон аёл зоти йўқ гўё. Аммо қўшнилар... дардисар, манманлиги бошига етган бахти қора, дейишади.

Дадам ҳам Оқтурсун холамини ёқтирмай, ўз ошига ўзи тепган ношукур, арслондек йигит умрининг заволи десалар ҳам, аслида, уларнинг ҳурмати жойига қўйиб, қуюқ сўрашадилар.

Онам, онам эса... Уйимизда уларни қўйишга жой тополмайдилар. Менга Оқтурсун хола билан онамнинг аламли дардлари худди ўхшашдек туюлади.

Шу куни мактабдан эрта жавоб беришди. Ҳовлимизга яқин яшовчи қўшнимизнинг қизи Дилноз худди арвоҳни кўргандай дарвозамиздан чиқиб:

– Дилора, сизларникига телефонга кирувдим, уйингизда анови, киши ўлдирган холадан ўзга ҳеч ким йўқ, – деди.

– Қанақа хола экан у, одам ўлдирган, – деб ҳовлимизга кўрқалди кирсам, сўрида қулиб Оқтурсун хола ўтирибдилар.

– Хола, холажон, югуриб бориб уларни қучоқларканман, ўзимда ҳаяжонли куч, соғинч ҳиссини туйдим.

– Умрингдан барака топ, қизим, нимаки ният этсанг, рўпарангда доим бахт қулиб боқсин... Сизларни жудаям соғиндимки, бор ишимни қўйиб, буёққа кела бердим, – деб қолдилар.

Бу куни ҳам онам иккалалари узоқ гаплашдилар, қанақадир «анави воқеаларни эслашиб, холаминг йиғлади, онам эса узоқ юпатдилар. Менинг эса қарорим қатъий эди, шу боис:

– Ойи, нима, Оқтурсун холаминг киши ўлдирганми? – деб, тўсатдан сўрадим.

Онам худди тепасига биров совуқ сув қуйгандек чўчиб тушдилар.

– Унақа дема. қизим, холаминг эшитса хафа бўладилар-а, оғзингга нима келса вайсайверасанми?

Мен гап тополмай қолдим.

– Қўшнилари гапирапти-ку, – дедим секингина.

– Гапирса гапир берсин, аммо сен гапирма. Онам узоқ жим қолдилар. Сўнг: Ҳа, Оқтурсун холаминг одам ўлдириб, онадан қарғиш олган бегуноҳ гуноҳкор бечора. Аслида айб унда ҳам эмас, бу давр иллоти, деганларида...

Йўқ, йўқ, мен бу гапларни онам айтмаганида, Оқтурсун холаминг, шунақа мўмин-қобил, оғзидан бол томган ширинсухан, истараси иссиқ холажонимнинг одам ўлдириганига асло ишонмаганидим ҳам.

Оқтурсун холаминг жуда чиройли қиз бўлган эканлар. Онасини кўзининг оқу қораси, ёлғиз қизини совчилардан қизганиб, авайлаб-асраб ўтириганида, Оқтурсун Тошкентга, ўқишга кетаман, – деб туриб олибди. Қизининг ҳар ҳафтада катта шаҳардаги ўқимишли йигитдан хат олиб юрганини кўрган онасини, уни овулидан олисга жўнатгиси келмаганиди... Уларникида, турқи совуқ, овулда ҳамма қизлар, қўшнилари ёқтирмайдиган сариқ кампир пайдо бўлди-ю, онасини ўзгарди, қўйди.

– Худди сариқ илоннинг ўзи-я, яна қанақа гап топиб келди экан. Қанча қизларнинг бошига етганди, бу мастон. Ён қўшниси Гулойимни Қипчоқнинг «хулигани» олиб қочганда, ўртада шу «сариқ» бор дейишувди-я...

Онасининг шу машъум тунда киприги илинмади ҳисоб... «Оҳ... лаб, «ух»... лаб, иссиққина ўчоқнинг бошида эрталабгача маст уйқуда ётган қизининг гулдек чеҳрасига тикилиб ўтирди. Тонгда эса қизига мен қаридим, сени кутлуғ жойингга қўндирсам дейман. Орзу-ҳавас, неvara кўрсам...

Бибихолангнинг ёлғиз ўғли топармон-тутармон, деди.

– Кўйинг, она, – деди Оқтурсун. Шу сариқ илоннинг ўғли ким бўларди. Такасалтанг. Совчи бўлиб кирмаган хонадони ҳам қолмаган... Унга овулда эси бор қиз тегармиди? Уйга шу кампир яна келгудек бўлса, ўзим ҳайдаб чиқараман, мендан кўргилигини кўради.

Онаси индамади, аммо қизини, кечаги ваъда бўйича бозорга юборди-ю, аммо ўзи қайсар қизининг тақдирдан қон ютиб, пешонасини ўчоққа ёрилгунча урди...

Қизи эса шармандали сотқинликдан беҳабар, кийикдек сакраб, кўчага, ўзининг шўрпешона тақдирига тобора яқинлашарди...

Оқтурсун муюлишдан катта кўчага ўтди-ю, нотаниш машинани, ундан отилиб тушган тўртта барваста йигитларни кўриб, орқасига тисариламан дегунча, уни худди қўйдек, елка ва оёқларидан кўтариб, темир қафасга отишди. Бошини орқа ўриндиққа тиқиб, типирчилаб эшикка сигмаётган оёқларини эса, икки буклаб, кимдир устига ўтирди-ю, қиз олиб қочиш бошланди... Оқтурсуннинг оғриққа чидамай, жонҳолатда, «оғажон» лаб чинқиришларига жавобан, йигитлар йўғон товушда, баралла ашула бошлашди.

Оқтурсун ҳушидан кетаркан, уларнинг ҳайда, машинани тўғри Устюртга, тоққа ҳайда, деганларини элас-элас тушунди. Шу кетишда улар машинада икки шишани бўшатишиб, қиз қўлга кирганини ювиб, боши машина тагига урила-урила, жонсарак бўлган, қўйдек юввош қизни тоғ тепасида машинадан суғуриб олишди.

– Бу сенинг бўлажак эринг, деди ёши каттароғи, оғзининг таноби қочиб ишшайган ҳолда, узунчоқ сариқ юзлини кўрсатиб. Онангнинг ўзи рози бўлган, иккалангиз гапни бир жойга қўйсанглар, мана, машина ҳам тайёр, тўй ҳам бошланади, ҳаммаси «окей» бўлади.

Бошқалари нари кетишди-ю, қиз билан йигит холи қолишди.

– Яқинлашма, – деди Оқтурсун, ўзига қўл чўзган нотаниш йигитга, – сенга тегмайман, ўзимнинг севган йигитим бор.

– Кампир айтгандай, қайсар кўринасан. Сен ягона қиз эмассан. Менга қолса-ю, умуман уйланиш ниятим йўқ эди, яллога нима

етсин, аммо уйда еб-ичиш, кийиниш, топиб-тутиш кампирдан бўлганидан кейин, уйланмай иложим йўқ. Кампир бош, қулликка кимни танлашни ҳам билади, уйга сенга ўхшаган етимча керак экан, хўп, дедик, бизда гап йўқ, дедик.

– Яқинлашма, – деди қиз, – ўлдираман. Сенга теккандан кўра ўлганим афзал, босқинчи! Такасалтанг!

– Нима, хув, оғзингга қара... Яхшиликни билмадинг, ўзингдан кўр!

Оқтурсун кўрқиб, жон ҳолатда орқасига чекинди-ю, оёғи тагидаги тошга қоқилди. Қоқилган тошига эса худди отасини кўргандай паноҳ тутиб суянди.

– Кет, қароқчи, бу кунимдан ўлганим яхши эди, яқинлашсанг ўзимни ҳам, сени ҳам ўлдираман...

– Ўлдир, гўзалим, ўлдир... Қани, қани, ўлдир-чи, агар сенинг қўлингга ўлсам, ўлганим бўлсин, ўлмасам борми, ҳа... ҳа... ҳа... Онамнинг супургиси бўласан, келишдикми? Мана бошим, қани ўлдирчи, журъатинг етармикан, – йигит бошини эгиб, қизга яқинлашаркан, худди сариқ илонни кўргандай, нафратланган Оқтурсун, жонҳолатда унинг қоқ елкасига қора тош билан туширди.

Бу куч, номус кучи эди.

Сўнг, Оқтурсун холам ўзини тоғ жарлигидан пастга отади. Аммо улуг она-ер, гуноҳсиз-гуноҳкор фарзандини тирикликка маҳкум этади.

Кейин суд, қамоқхона... Сариқ кампирнинг адо бўлмас қарғишлари: Жазонгни худо берсин, ёлғизидан айрилган мендек, бахтинг қора бўлиб, ўғлимнинг арвоқлари у дунё-бу дунё сенга тинчлик бермасин...»

Оқтурсун опа чинордек ёлғиз. Ҳаётда арвоҳдек яшаб, фақат менинг опам билангина дардлашади. Йиғлайди, кулади, кулади, йиғлайди. Қиз номуси оёқ ости бўлган замонни, миллатнинг иллатга айланган урф-одатларини қарғайди.

Мен уларнинг кўп гапларини тушунмасам ҳам, аммо онамнинг мен аниқ тасаввурга эга бўлишим учун куйиб-пишиб таъкидлаган барча фикрларини, худди ўзидек, ёлғон-яшиқсиз оқ қоғозга тушуриб, ёздим...

ҚҶҚОҚОВА ҚИЛОЛА НОРҚҶЗИЕВНА

1977 йил 8 ноябрда Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган. Андижон Давлат университети ботаника ва экология кафедрасида ўқитувчи (Фан йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Қ. Қўқорова университетда талабалик даврида ўзининг ниҳоятда иқтидорлиги ва ўткир зеҳнлиги ҳамда намунали хулқи билан кўпчилиққа ўрнак бўлган. Талабалар ўртасида ўтказилган Республика фан олимпиадаларида ва конференцияларида фаол иштирок этиб, доимо совринли ўринларни эгаллаган. Қўқорова ҳозирги кунда «Чилустун тоғининг флораси ва ўсимлиқлар қопламаси» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда. 2000 йил 2-4 октябрда Ялта шаҳрида бўлиб ўтган «Гулчилик ва боғдорчилик муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ўзининг «Ёввойи флорасида тарқалган ўсимлиқларни хона шароитида ўстириш ҳақидаги тавсиялар» мақоласи билан иштирок этган. Унинг «Магнолиофитлар ва уларнинг ҳозирги замон тизими» номли қўлланмаси чоп этилган. Бу қўлланма биология мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга, ёш ўқитувчиларга, шунингдек, гулли ўсимлиқлар билан қизиқувчиларга мўлжалланган. 1997 – 1998 ўқув йилида энг юқори рейтинг баллини тўплаган талаба сифатида «Республика аълочи талаба ва аспирантлар анжумани иштирокчиси» ва «Президент альбоми» совриндори бўлган. Унинг мақолалари ва илмий-амалий конференциялардаги чиқишлари диққатга сазовордир. Кўпгина ишлари доривор ўсимлиқларга бағишланган. Бунинг халқ хўжалигида ва доришуносликда аҳамияти каттадир.

ЮКСАК ЎСИМЛИҚЛАР СИСТЕМАТИКАСИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШГА ДОИР

ҚЎЛЛАНМА

Кириш

Юксак ўсимлиқлар систематикаси курси Университет тизимидаги бакалавр ихтисослигининг I босқич (II семестр) ва II босқич (III семестр)ларида ўрганилади.

Олий мактабнинг ҳозирги тараққиёт bosқичида фаннинг кейинги даврларида қўлга киритилган янгиликларини ҳисобга олиш, уни имконияти борича бўлажак ўқитувчиларга bosқичма-bosқич сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Мана шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда амалда фойдаланилаётган дастурга мувофиқ ўсимликлар дунёсининг таснифи, айниқса, юксак ўсимликлар қисмида, анча ўзгаришлар мавжуд. Бироқ ўзбек тилида шу янги дастур талабига жавоб бера оладиган талаба, лаборант ва ўқитувчиларга мўлжалланган дарсликлар каби қўлланмалар ҳам йўқ. Натижада талабалар фанни ўрганишда қатор қийинчиликларга дуч келадилар, таксономик бирликларни ўзлаштиришда айрим номувофиқликларга йўл қўядилар. Баъзи ҳолатларда ўқитувчилар, айниқса, кафедра лаборантлари маъруза ва амалиёт дарсларида жиҳозлар тайёрлашда янги дастур асосида тузилган қўлланмаларга, методик маслаҳатларга эҳтиёж сезадилар. Бундан ташқари, Республикамизнинг университетларида юксак ўсимликлар системасининг курси юзасидан ўтказиладиган лаборатория машғулотларини илмий ва методик жиҳатдан тўғри ташкил қилишда маълум бир умумий талаб асосида иш олиб борилмайди. Натижада, турли университетларнинг талабалари ёки уни битириб чиққан мутахассислар таксономик бирликларни ҳар хил ҳажмда тушунадилар, айрим мутахассислар таксономик бирликларнинг ҳозирги замон ҳажмини ва номини тўла ўзлаштира олмайдилар. Шунинг учун биз мазкур тавсияда юқоридаги баъзи бир томонларни ҳисобга олган ҳолда юксак ўсимликлар системаси юзасидан олиб бориладиган лаборатория машғулотларига оид ўзимизнинг фикр ва тажрибаларимизни баён этамиз. Тавсияда архегониал ўсимликлар ва гулли ўсимликлар (магнолиофитлар) ҳисобга олинган бўлиб, архегониал ўсимликлар учун 13 та лаборатория машғулоти, гулли ўсимлик учун эса 13 та лаборатория машғулотлари ҳамда юксак ўсимликларда насллар галланиши типларини кўргазма машғулотлардан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш мўлжалланган.

Ҳар бир машғулоти икки қисмдан иборат: биринчи қисмда ўрганиладиган мавзуга оид объектнинг систематик ўрни, лаборатория машғулотини бажариш учун топшириқлар, ишлаш тартиби кўрсатилган. Иккинчи қисмда эса шу машғулотларни ўрганиш учун керак бўладиган ўқув жиҳозлари рўйхати жадвал тарзида ифодаланган. Бунда, айниқса, гулли ўсимликларни ўрганиш давомида республика флораси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу турлардан тирик объектлар тарзида фойдаланиш тавсия этилган.

Булардан ташқари, гулли ўсимликларни ўрганиш учун айрим оила вакиллари тасвирлаш режаси, ўсимликларни аниқлаш усуллари ҳар бир оилага характеристика бериш кабилар баён этилган.

Маълумки, талабалар юксак ўсимликлар систематикаси курсида ўсимликларнинг онтогенетик ва филогенетик ривожланиш масалаларига оид томонларини яхши ўзлаштири олмайдилар. Ушбу материалларни талабалар осон ўзлаштириши мақсадида, айниқса, лаборатория машғулотларида ўрганиладиган ўсимликлар турли тараққиёт туркумига доир материалларни, кўргазма материалларининг турли формаларидан фойдаланишни ҳамда умумий ботаника курсининг ўқитиладиган айрим мавзуларига алоҳида эътибор бериш кераклигини мақсадга мувофиқ деб билдик.

Маълумки, лаборатория машғулотлари маъруза курси билан узвий боғланган бўлиб, лаборатория машғулотида олдиндан мустақил равишда тайёрланганда адабиётлардан, маъруза конспектларидан ва лаборатория иши дафтаридан (альбом) фойдаланади. Ўқитиш жараёнининг мана шундай тартибда ташкил этилиши ўқув материални онгли ва мустақкам ўзлаштиришга катта ёрдам беради.

Талабаларни ўқитувчи ҳар бир лаборатория машғулоти давомида индивидуал кузатиш орқали (лаборатория иши дафтаридаги ўқув ва режалар асосида) назорат қилади.

Янги мавзунини ўрганишни ўқитувчи объектнинг систематик ҳолатини тавсияда кўрсатилганидек бошлаб, сўнгра уни ўрганиш тартибини қисқа тушунтиради, кейин талабалар ишни мустақил равишда бажаришга ўтадилар.

Мазкур қўлланмада юксак ўсимликлар систематикаси (архегионал ўсимликлар) бўйича ўтказиладиган лаборатория машғулотларининг мавзу режалари ва уни ўтказиш тартиби келтирилган. Биз уни тўпلامга киритмадик.

**РАҲМОНОВА
НАВБАҲОР
ХАЛИЛОВНА**

1984 йил 30 сентябрда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Шофиркон туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси (Таълим йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Н. Раҳмонова иқтидорли ўқувчидир. У физика, математика фанларини чуқур ўрганмоқда. Инглиз тилини яхши билади, комью-терда яхши ишлайди. Бир неча йиллардан буён иқтидорли ўқувчилар анжумани иштирокчисидир.

1998 – 1999 ўқув йилида химия фанидан ўтказилган Республика телевизион сиртқи олимпиадасида иштирок этиб, голиб бўлган. У ўқув жараёнидаги юқори кўрсаткичлари, аъло хулқи, маънавий гўзаллиги туфайли туман, вилоят халқ таълими бошқармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” жамғармаси, вилоят маданият бошқармасининг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган. У туман, вилоят ва Республика фан олимпиадаларида фаол иштирок этган.

Раҳмонова таълим, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият кўрсатади. У «Ўзбекистоннинг қизлари – кўкдаги юлдузлари» кўрик-танловида, VII иқтидорли ўқувчилар Республика анжуманида, Бобур таваллуди ва «Инсон хотираси азиз» каби ижодий кечаларда, «Ўзбекистон – азиз Ватаним» ижодий ишлар танловида, «Навойий ҳамиша барҳаёт» мавзусидаги бадий кечада, Ўзбек тили ва адабиёти олимпиадаларида, «Нафосат» Республика ёш қаламкашлар ижодий учрашувларида фаол иштирок этиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Раҳмонованинг ватанпарварлиги, юқори маданий ва маърифий савияси унинг ёзган шеърларида, ҳикояларида ўз аксини топган. Яъни,
Сен ўзбек қизисан, буни унутма,
Сенинг момоларинг ҳаёли бўлган.
Елкасин тўлдирган қирқта кокили,
Бошида доимо рўмоли бўлган.

Унинг «Орзуларим» шеърий тўплами, «Тонгги ўйлар» ҳикоялар тўплами мавжуд. «Ватаним», «Истиклол кўшиғи», «Юртбошим», «Элим», «Ўзбек аёли» ва «Ўзбегим» каби шеърларида она-Ватанга муҳаббат, ўз халқига самимиятни ифодалайди. Унинг «Алла», «Ўқинч», «Тилла соат» ва «Нон ҳиди» номли ҳикоялари ҳам диққатга сазовордир. У «Ёш қаламкашлар» тўғраги аъзоси.

УНУТИЛМАС КУН

Ҳа, ўша кун менинг юрагимда ўчмас хотира бўлиб, бир умрга қолса керак. Инсон қизиқ, баъзан тарих зарварақларига ёзишга арзийдиган воқеаларни тезда унутиб юборади-ю, лекин оддий ҳодисалар бир умр қалбига муҳрланиб қолади.

Воқеа бундай бўлган эди. Мактаб эндигина бошланган кезлар. Пахта йиғим-терими авжида. Биз ҳам дарсдан кейин ота-оналаримизга баҳоли қудрат қарашамиз. Дўстим Ақобир билан ким ўзарга пахта терамиз.

Кунларнинг бирида, ўша воқеа содир бўлган кун, биз ҳаммадан кўп пахта тердик. Қайтишда Ақобир билан иккаламиз энг орқада қолдик. Чунки бепоён пахтазордан аламли чинқирик овози эшитиларди. Мен ва Ақобир тезда одимлаганча ўша томонга чопдик. Бориб кўрсак трактор олдида Соттивой амаки «вой-вой»лаб ётибди. Чамамда трактор носоз бўлгану, Соттивой амаки рулга ўтиргани билан улоқтириб ташлаган.

Соттивой амаки бизни кўрган заҳоти: «Боринглар, қишлоққа Юлдузнинг онасига хабар беринглар», — деди.

Мен ва Ақобир шошиб қолдик. Энди ўйлаб иш қилмасак бўлмас эди. Ақобирни Соттивой амакининг олдиларида қолдириб, ўзим қишлоққа, Юлдузларникига бордим. Эшикни тақиллатсам, Юлдузнинг ўзи чиқди. Унга ҳақиқатни айтиб, ойисини сўрадим. Ойиси ҳали ишдан қайтмаган экан.

Энди нима қиламан?! Шу дамда калламга бир фикр келди, уйга чошиб бордим, докторга кўнғироқ қилдим. Ҳамширага ўзимизнинг ҳовли манзилини айтиб, кўчада кутиб турадиган бўлдим. Дарров «Тез ёрдам» келди. Уни Соттивой амакининг олдиларига бошладим. Ҳамшира у кишининг аҳволларини кўриб, касалхонага олиб кетди.

Пахта терими ҳам тугаб, дарслар бошланди. Кунларнинг бирида мактабимизга Соттивой амаки келиб, мени чақирдилар. Кечагина касалхонадан чиққан эканлар. Менга катта торт совға қилиб, мактаб маъмуриятига раҳмат айтдилар. Ҳамма синфдошларим менга ҳавас билан боқардилар.

Бу унутилмас воқеа бир умр қалбимда қолди.

ЎЗИМИЗ ЭККАН ЧИНОРЛАР

Поездга билет олишга аранг улгурдим. Нарсаларимни йиғиштириб, ҳужжатларни тахлагунча анча вақт ўтди. Мана ҳозир поездга ўтирганча, ўз жонажон қишлоғим қучоғига талпиняпман. Негадир уйқум келмаяпти, балки соғинч ҳиссининг кучлилигидандир. Шу дамда хаёлимни олис-олис хотиралар, болалик чоғлари банд этди...

... Ёдимда, биринчи марта мактаб остонасига қадам кўйганим. Ўшанда меҳрибон ойижоним бошдан-оёқ янги кийим кийдириб, мактабга олиб борган эдилар. Мактабда кўпгина дўстлар орттирдим. Аммо буларнинг орасида Илҳом жуда бошқача. Бир кун кўришмасак бир-биримизни соғиниб қолардик. Уй ишларида ҳам, дарсларда ҳам бир-биримизга кўмакдош. Ҳаттоки, шумликни ҳам бирга амалга оширардик. «Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини» олиб юрган кезларимиз эди. Мактабдан қайтаётганимизда бир боланинг анҳор бўйида кўчат ўтқазётганини кўрдик. Шўхлигимиз тутиб, боланинг олдига бориб:

– Нима қиялсан? – деб сўради Илҳом, гарчи нима иш билан машғуллигини кўриб турган бўлса ҳам.

– Биласизми? – деди бола кўзларини пирпиратиб, мен ҳозир бу ерга кўчат ўтқазяпман, орадан йиллар ўтиб, булар катта дарахтларга айланади, мана шу жойларга соя-салқин солади, одамларга фойдаси тегади, балки бу ерга чойхона қурилар.

Билмадим, шу дамда мен билан Илҳомга нимадир бўлди, балки ҳалиги боланинг гаплари таъсир қилгандир, икковимизнинг кўнглимизда ҳам кўчат ўтқазиб иштиёқи туғилди. Бир дам боланинг ишларига тикилиб турдик-да, кўлимизга белкуракни олдик. Бола бизларнинг ниятимизни тушунди шекилли, ҳайронсиреганча:

– Яхшиси сизлар кўчатни анҳорнинг нариги бетига ўтқазинглар, ниҳолларингиз бошқаларникидан ажралиб турсин.

Биз ишга киришдик. Кўчатларни ўтқазиб, уйга жўнадик. Ҳар куни мактабдан қайтаётганимизда буларга сув қуйиб, тагини юмшатамиз...

Йиллар ўтди. Беғубор болалик ортда қолди, биз мактабни тугатиб, олий ўқув юртларига йўл олдик. Мен талаба бўлдим, Илҳом эса йўқ.

Бошида Илҳомсиз қийналдим, бирга ўтказган дамларни кўмсадим, бора-бора кўникдим.

Шундан кейин шаҳарда қолиб кетдим, ҳар кунги ўй-ташвиш, ишлар билан бўлиб, қишлоққа ҳам кам борадиган бўлдим. Бундан икки йил олдин Илҳом бир келиб хабар олганди. Ўзимиз ўтказган кўчатлар катта бўлиб, соя-салқин солганини айтганди.

Ҳозир ҳам қишлоғимни, азиз дўстимни қанчалик соғинганимни юрак-юракдан ҳис этдим.

Шунақа ўйлар гирдобида туни билан мижжа қоқмадим.

Ниҳоят, ўз туғилиб ўсган жойимга етиб келдим. Секин одимлаганча, ҳамма ёқни ҳаяжон билан кўздан кечирдим.

Қишлоғимиз жуда ўзгариб кетган, йўл бўйида савдо расталари, нарёқдагиси кинохона бўлса керак, одам билан тирбанд. Ўзим ўқиган мактабнинг янги биноси эса қад кўтариб турибди.

Биринчи галда мактабга кирдим, ёзги таътил бўлгани учун қоровул Эшмат бободан бошқа ҳеч кимни учратмадим. Анча қариб, ўзини олдириб қўйибди. Эшмат бобо мени кўриб, негадир кўзига ёш олди, ичкарига таклиф қилиб, суҳбатлашдик. Мактаб даврини эсладик, ўша ўзимизнинг шўхлик қилган дамларимизни Эшмат бобо сўзлаб берди. Бир оз вақт ўтгач, Эшмат бободан рухсат олиб, кетишга чоғландим.

Ана, менинг ёшлик дамларимни ўз бағрига олган йўллар, шарқираб оқаётган ўша анҳор, беихтиёр кўзларим дўстим билан ўтказган кўчатга тушди. Уларнинг танаси йўғонлашиб, бир-бирига туташиб кетган. Шундай ҳолда буларга қанча вақт тикилиб қолганимни билмайман, орқа томондан бир кишининг, — Ҳай, ўзингмисан, — деганини эшитиб, сесканиб кетдим. Ўгирилиб қарасам Илҳом, ҳа, ҳа, ишонинг, менинг дўстим Илҳом. Кучоқ очиб кўришдик. Хурсандлигимиздан тилимиз гапга айланмас эди. Бирпасдан сўнг: «Қани бу ёққа юр-чи», — деб бошлади. Ҳали эътибор бермаган эканман, Илҳом ўша дарахтлар тагида чойхона барпо этган экан. Унга эргашганча, чойхона томон юрдим. Картда чоллар суҳбат қуриб ўтиришибди. Бир томонда ошпаз дошқозонда овқат пиширяпти... Шу кеча Илҳом билан тонггача суҳбат қурдик. Ўтган ширин дамларни, осуда болаликни ёдга олдик. Қалбда эса шундай истак бор эди: «Яна бола бўлиб қолсам». Аммо бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

Эртасига мен шаҳарга жўнадим, хайрлашиш чоғларида кўзимдаги ёшни Илҳом кўрмасин, деб яширмоқчи эдим, қарасам дўстимнинг кўзларида ҳам ёш. Беихтиёр кулиб юбордик-да, бир дам кучоқлашиб айрилдик.

Менинг ҳозир шаҳарга жисмим кетаётгандек эди, кўнглим эса, жонажон қишлоғим, ўзим эккан дарахтлар ҳамда азиз дўстимда қолганди.

ХАТОСИНИ КЕЧ АНГЛАДИ

Май. Баҳорнинг авжли кунлари. Ўриқлар ям-яшил либосга бурканган. Хиёбонларда, кўчаларда атиргулларнинг майин ҳиди димоғингизга урилади. Куёшнинг тафти кучайиб: зилол сувларда ўз аксини кўрсатадиган пайт. Ҳозир ҳамма жойда иш қизгин. Далаларда ҳам, боғларда ҳам, ҳаттоки мактабда ҳам. Битирувчи синф ўқувчилари имтиҳонларга тайёрланиши, қўшимча дарс машғулотларига қатнашишлари керак. Уларнинг олдларида масъулиятли дамлар турибди. Ҳу ана, Назира билан Ҳилола ариқ бўйидаги йўлни кесиб ўтишяпти. Шу дам аламли инграшни эшитиб, иккови ҳам атрофга аланг-жаланг боқишди. Уларнинг қаршисида иккита момикқина мушукча гужанак бўлиб ётишарди.

Ҳилола:

— Вой, Назира, қарагин, мушукчалар... Кел, шуларни уйга олиб кетайлик, бечораларнинг ҳеч кими йўққа ўхшайди.

Назира бўлса:

— Э, қўйсанг-чи, булар бизга яна бир ортиқча юк бўлади, шусиз ҳам ишимиз кўп-ку, деб юзини бурди. Ҳилола яна ялиниб:

— Назира, биттасини олиб кетгин, икковини ҳам ўзим олиб кетардим, аммо ойимнинг жаҳллари чиқади-да, хўп дегин, дугонажон.

Назира хушлар-хушламас, мушукчалардан бирини олиб, йўлига равона бўлди. Уйга келди-ю, уни улоқтириб юборди. Мушукча оғриқдан «миёв», — деб ингради. Шу дамда укаси келиб қолиб, «опа, бу нима», — деб сўраганда, «сенга совға» деб жавоб қайтарди. Энди мушукчанинг бошига аламли кунлар туша бошлади. Назиранинг безори укаси мушукча бўйнига ип боғлаб тинмай югуртирар, устидан сув тўкиб, ўзича чўмилтирар, ҳар хил ўйинларни ўргатаман деб, кун бўйи тинч қўймас эди.

Ҳилола мушукчасининг эса кун сайин бўйи ўсарди. Ҳилола ҳар куни унга сут, пишлоқ берарди. Унга бор меҳрини ҳада этиб, куну тун атрофида парвона эди.

Бир куни дарсдан қайтаётганларида Ҳилола Назирадан «Мушукчанинг аҳволи қандай?» — деб сўраганида, Назира: «Қайдам, юргандир, мен уни укамга берган эдим», — деб қўйди бепарво.

Ҳилола:

– Вой, ўша шумтака укангга-я, ахир у мушукчани ўлдириб қўяди-ку. Юр тезроқ, сизларникага борамиз, мушукчадан хабар олайлик-чи? Назира бу гапни унчалик хушламаса-да, ноилож уйлари томон бошлади.

...Кенг ҳовли. Ҳамма ёқ ўрикзор. Ҳилола билан Назира ҳовлига кириб келишлари биланоқ мушукчага кўзлари тушди. Назиранинг укаси мушукчанинг бўйнига ип осиб олиб, ҳадеб тортар, юришга мажбур қиларди. Аммо мушукча ҳеч ҳам буни хоҳламас, фақат алам билан «миёв-миёв»ларди. Ўзини тугулмаган Ҳилола югуриб мушукчани олдига борди, қараса мушукчанинг чап оёғи қонталаш бўлиб, юриши қийин эди. Ҳилола мушукчани бўйнидан чаққон ипни ечди-да, уни қўлига олди. Лекин мушукчанинг яшаб кетишига энди умид йўқ эди. У Ҳилоланинг қўлида турганча тинмай «миёв-миёв» қиларди. Бора-бора бу товуш ҳам сўна бошлади. Шу дамда мушукчанинг кўзларига қараганда кишининг юраги эзиларди. Ҳилола нима қиларини билмай секингина мушукчани ерга қўйди, лекин, мушукча аллақачон ўлиб бўлган эди. Ҳилоланинг кўзларида ёш қалқиди. Изтироб билан Назирага бир қарадию, индамай уйдан чиқиб кетди. Назира ўша мушукчанинг ўлганидан, дўстининг ташлаб кетганидан таъсирланиб, ўз хатосини тушунди. Лекин энди кеч эди...

ГУЛ, ГУЛЗОР ВА БУЛУТ ҚИССАСИ

Бу гамгин ва маъюс қиссани менга бувим сўзлаб бергандилар.

Эмишки, қачонлардир шоҳ Табиатнинг гўзалликда тенгсиз, хуснда ягона, одобли қизи бор экан. Бу қизнинг исми Гул экан.

Ана шу соҳибжамол қиз, отасининг хизматкори Булутни севиб қолади. Мард ва жасур Булут ҳам ўз навбатида унга муҳаббат қўйибди. Ҳар тонг қуёш ўз заррин нурларини ёйган вақтида улар тоғ этагида учрашар эканлар. Уларнинг пок ва самимий муҳаббатига ҳамма ҳавас қилар экан. Гул ва Булутнинг севги тўла дардларини гиёҳлар, қушлар, дарахтлару зилол сувлар ҳам жимгина тинглашаркан. Кунларнинг бирида Вазирнинг ўғли Гулзор Гул ва Булутни тоғлар орасида кўриб қолади ҳамда уни шоҳ Табиатга сўзлаб беради. Негаки, Гулзорнинг ўзи ҳам анчадан буён шоҳ қизи Гулга ошиқ экан-да...

Булут билан Гулнинг севгисидан хабар топган шоҳ қаттиқ
ғазабланиб, Булутни саройдан ҳайдайди. Негаки, у қизини
хизматкор йигит Булутга беришни хоҳламайди. а

Шоҳнинг нияти Гулни Вазирнинг ўғли Гулзорга узатмоқ
эди.

Буни эшитган икки кўнгил хижрон азобида қийналади.
Афсуски, иложлари йўқ. Шоҳ Табиат Гулни Гулзорга беради.

Бечораҳол Булут эса ўз севгилисига етишолмай юм-юм
ийғлайди. Унинг кўз ёшлари осмондан ёмғир бўлиб Гулнинг
юзидан шабнам томчиларини ҳосил қилади.

Айтишларича, ҳали ҳам ошиқ Булут бепоеён самода сарсону
саргашта кезиб, ҳар баҳорда Гулзорнинг макони сари «ўз
Гулимни топарман», – деган мақсадда борармиш. Афсуски,
Гул васлига етолмай, зор-зор кўз ёш тўкармиш...

ОЙИМНИНГ СОВҒАСИ

Ҳаётда шундай кунлар бўладики, одам одамнинг кўнглига
малҳам, юрак дардига мадад бўлади. Айниқса, Ватандан
йироқда яшаган инсонларга жуда ҳам қийин, улар хорижий
давлатда яшасалар ҳам бир дам Ватанни унутмайдилар.
Хурсандчилик куни ҳам, қувончли дақиқалар ҳам татимайди.
Менинг ҳаётимда ҳам шундай воқеа рўй берди:

... Ҳозирда мен кўпгина тенгдошларим қатори хорижий
давлатда таҳсил оляпман. Бу ерда ҳам дўстларим кўп. Ҳаммаси
билан иноқман.

Бироқ ўз юртимдаги дўстларим, қариндошларимнинг
меҳри бўлак. Фақат уларни соғинаман.

Яқинда менинг туғилган куним нишонланди. Коля, Анна,
Маҳмудлар келишди, улар билан рақсга тушдик, қўшиқ
айтдик, лекин нимадир етмас эди. Маҳмуд менинг аҳволимни
сезди шекилли:

– Абдували, эсингдами, ёшлик дамлар, синфдошлар билан
сайрга чиққанамиз.

Мен даврада кулги кўтариш учун:

– Ҳа, ўшанда сени Наргиза анҳорга итарганмиди? – дедим
кулиб.

Бирданига ҳамманинг чеҳраси ёришиб, шодон кулги
янгради.

Шу дамда эшик кўнғироғи бирдан жиринглади. Шошиб
эшикни очдим, рўпарамда нотаниш киши турарди. У мени кўриб:

– Абдували сиз бўласизми? – деб сўради: Мен тасдиқ
ишорасини қилгач, у кишини ичкарига таклиф қилдим.

У иложи йўқлигини айтиб узр сўрагач, қўлимга қоғозга ўроғли нарсани тутқазди. «Ойингдан сенга совға», – деганича кетишга ҳозирланди.

Мен у киши билан хайрлашиб, совғани очсам, ўша менинг ёшлигимда, дўстларим билан тушган суратим. Беихтиёр кўзларимга ёш қалқиди, шу дамда она-Ватанимни ҳамда дўстларимни соғинганимни қалбан ҳис этдим, муштипар ойим, ичимдаги дардни билгандек, менга бу совғани юборибдилар. Мен жуда хурсанд бўлдим. Ойимнинг совғаси барчанинг совғасидан азиз бўлди.

ИБРАТ

Ёзги таътил. Қишлоққа бобомларникига дам олишга бордим. Бобомнинг катта боғлари бор. Унда олма дейсизми, узум дейсизми, хоҳлаган мевангиз бор. Мен ҳар борғанимда боққа кириб оламану, ҳар хил меваларни паққос тушираман.

Бу гал ҳам ўз одатимни тарк этмай аввал боққа кирдим. Боғни томоша қилиб юрсам, ҳар хил қутичаларга кўзим тушди. Ажабланиб дарров бобомнинг олдиларига югурдим.

– Бобожон, ҳалиги боғни этагидаги қутилар нима?

Бобом кулиб туриб:

– Эҳ, болам-а, ахир булар асалариларнинг қутилари-ку, мен сенга ҳали уларни кўрсатаман, – дедилар.

Мени шу пайт қизиқишим ортди.

– Бобожон, юрақолинг, – деб хархаша қилавердим.

Бобомнинг жаҳллари чиқди.


– Кўрмаяпсанми, ахир пичан боғляяпман-ку, ундан кўра, менга озгина ёрдам берсанг-чи? Сен дангасавой қачон одам бўласан.

Мен бобомга хўмрайганча, орқага қайтдим. ... Эртасига бобом мени асалари уяси ёнига бошлаб бордилар-да, «Қарагин, болам, синчковлик билан қарагин», – дедилар.

Олдиниға тушунмадим, кейин эътибор берсам, асаларилар қаёққадир югургани югурган, нимагадир шошиладилар, умуман мен учун таажжубли ҳодиса эди. Шу дамда мен буларни бобомга қиёсладим. Бобом ҳам, эрта тонгдан туриб олиб, пичан боғлайдилар, молларни далага ҳайдадилар, ерни чопиқ қиладилар, худди асаларининг ўзи-я. Кечкурун овқат маҳал, мен бобомдан сўрадим.

– Бобожон, нега асаларилар бунча югуриб елади, қачон тин олади булар?

Бобом бўлса:



— Э, болам, бу дунёда ҳеч ким асаларичалик меҳнат қилмайди, — дедилар.

Билмадим, шундан кейин ўзгариб қолдим, ҳар куни тонгда туриб, бобомга ёрдам берадиган бўлдим. Баъзан инсон оддий нарсаларни ҳашаротдан ҳам ўрганиши мумкин экан.

АЛЛА

Дунё яралибдики, инсон боласи ҳамиша куй-қўшиққа ташна — чунки қўшиқ она алласидан, Ватан эса остонадан бошланади.

Она алласи — чегара билмайди, унга миллат, дин, тил халақит беролмайди. Алла оҳанглари онанинг бутун вужудидан чиқиб, фарзандига бўлган чексиз меҳри шу қўшиқ туфайли намоён бўлади. Шу ўринда бир ривоятни келтиришни жоиз деб биламан:

— Ўтган замонда аҳил бир оила яшар экан. Ота-она ҳамда ширин қизалоқ тинч-тотув ҳаёт кечирарканлар. Кунларнинг бирида уларнинг бошига мусибат тушиб, қизчанинг онаси бу ёруғ оламини тарк этибди.

Бир оз вақт ўтгач қизчанинг отаси бошқа аёлга уйланибди. Ундан фарзандлар кўрибди. Ўғай онанинг тазйиқларига чидолмаган қиз ўз уйини тарк этибди.

Қизча катта бўлиб, вояга етган чоғида отаси уни топишга муваффақ бўлибди. Бироқ қизча ота-онасига ётсираб қарайди, уйдан чиқиб кетишни ҳамда аввалги жойга қайтишни истайди. Шунда бечора ота ҳеч бўлмаса бир кеча тунаб қолишини ундан илтимос қилади. Қиз рози бўлади. Ярим кечада онаси уйқудан уйғониб, бешикдаги укасига алла айта бошлайди. Шу пайт қизнинг уйқуси қочиб, аллага кулоқ тутади ва она меҳрини туйиб, ўзини она бағрига отади.

Алла сеҳри орқали улар мурод-мақсадларига етадилар.

Демак, ҳар бир фарзанд она алласидан баҳраманд бўлиб, она ҳаққини бажариб, унинг розилигини олиб, ўз фарзандлик бурчларини адо этишлари шарт. Алла — гўдакни вояга етказувчи, замину замонни тарбияловчи қудратли, мўъжиза-кор қўшиқдир. Илоҳим, ҳеч қайси фарзанд она алласидан бебаҳра қолмасин.

ЎКИНЧ

Бугун эрта тонгда тўрғайларнинг сайрашидан уйғониб кетдим. Ҳали куёш ҳам чиқмаганга ўхшайди. Ўрнимдан турдим-да, анҳор бўйига бориб, қўл-бетимни муздек сувга ювдим, уйқум бирпасда қочиб кетди. Шу вақт мен тонгнинг қанчалик гўзал, қанчалик мусаффолигини кўрдим. Ҳу ана, кўм-кўк далалар уфқ томондан қизғиш тус олмоқда, ҳар ёқдан булбулларнинг ёқимли овозлари эшитилиб туради. Мен тонг оғушида маст бўлиб ўтирсам, товугимнинг қағ-қағлагани қулоғимга чалинди. Секин бориб мўраладим: товугимнинг қанотлари остида иккита момикқина жўжа кўринди. Севиниб кетдим.

Нонушта пайтида бу воқеани уйдагиларга айтдим. Шунда бувим: «Болам, бу тонгда туришнинг хосияти, агар сен ҳар куни шундай уйғонсанг, ўз бахтингни топасан», — дедилар.

Мен ҳар куни тонгда туришга аҳд қилдим. Янаги кун ҳам эрта уйғондим, жўжаларимнинг олдига шошилдим, борсам жўжаларимнинг сони еттигага етибди. Мен шундан кейин ҳам ҳар куни тонгда уйғонадиган, уй ишларига ёрдам берадиган бўлдим.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Бир куни ҳали тонг ҳам ёришмаган пайтда жўжаларимнинг азобли чинқирғидан уйғониб кетдим. Югуриб борсам, катта ола мушук жўжаларга ҳамла қиларди. Она товук эса мушук оёқлари остида жонсарак ётарди. Чамамда, мушук жўжаларга ташланган пайтда она товук ўзини мушук панжасига отган. Мени кўриб мушук аллақаяққа қочиб кетди. Рўпарамда эса ўз болалари учун жонини аямаган онанинг кўзларида ҳаёт нишонаси сўниб борапти. У шундай алфозда бўлса ҳам, чалажон ҳолда болаларини охирги марта қанотлари остига олдида, «хайр» дегандек аламли инграб, жон узди. Менинг қулоқларимга эса фақат жўжаларнинг ая... ая... а-а-я-я... я дегандек чинқирғи эшитиларди, юрагимни эса бу паноҳсиз жониворларни асрай олмаганлигим учун бир ўкинч қийнарди.

**РАЖАБОВА
ДИЛФУЗА
ШАВКАТОВНА**

1984 йил 9 февралда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах Давлат педагогика олийгоҳи қошидаги иқтидорли ўқувчилар лицейининг 11-синф ўқувчиси (Таълим йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Ражабова камтарин, аълочи ўқувчи, у ўзининг намунали хулқи билан кўпчиликка ўрнакдир. У физика, математика фанларини жуда севиб ўқийди, инглиз тилида эркин гапирди.

Инглиз тили марказида америкалик ўқитувчилардан таҳсил олади. Ражабованинг таржималари туман, вилоят ва республика матбуотида чоп этилган. «Сангзор» нашриётида «Шарқнинг сўнмас юлдузлари» китоби ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган. Ҳар йили туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келган. Американинг «Аксельс» жамғармаси томонидан ўтказилган билимлар синовининг уч босқичида ҳам муваффақиятли қатнашиб, 1999 ва 2000 йилларда америкалик болалар оромгоҳида дам олиб қайтган. Жиззах вилояти телевидениесида «Hello Jizzak» кўрсатувини олиб боради ва доимий иштирокчисидир.

Ражабова шарқнинг буюк намояндалари Абу Мансур Мотурудий, Имом Бухорий, Бобур, Нодира, шунингдек, Зулфия ҳамда замондошларимиздан А.Ориповларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг асарларидан парчаларни инглиз тилига ўгириб, нашрга тайёрлаган.

Таржималаридан

АМЕРИКА БАЙРАМЛАРИ ҲАҚИДА

Америка байрамлари ҳар хил бўлади, келиб чиқишига кўра, кўплари диний байрам бўлиб, насорон авлиёларининг туғилганидан тортиб, уларнинг вафот этган кунларигачадир.

Байрамларнинг кўпчилиги Англия, Голландия, Франция ва Германиядан кириб келган ва шу юртнинг қонига сингиб кетган. Америкада байрам бўлса, дам олиш куни деб эълон қилинади. Байрамларнинг рўйхати қуйидагича:

1 январь – янги йил байрами.

Март ёки апрелда – Пасха.

30 май – Хотира куни.

4 июль – мустақиллик куни.

Сентябрнинг биринчи душанбаси – Меҳнат куни.

31 октябрь – Хелло Винг.

11 ноябрь – Ветеранлар куни.

Ноябрнинг охириги пайшанбаси – Худога шукрона куни.

25 декабрь – Рождество.

Шундай қилиб, Америкада юқоридаги байрамлар нишонланади. Шулар жумласига ҳам Президент Линкольннинг, Вашингтоннинг ҳам туғилган кунлари байрам сифатида нишонланади.

ЯНГИ ЙИЛ КУНИ

«Янги йилингиз билан». «Сизни ҳам» деган садолар биринчи январь куни Ер юзининг ҳамма қисмида янграйди. Янги йил ҳамма инсонларга қувонч олиб келади.

1 январни римликлар йилнинг биринчи куни сифатида қабул қилганлар ва шундан буён Европада ва Осиёда янги йил сифатида нишонланади. Америка Қўшма Штатларининг айрим қисмларига янги йил бир соат кейин, тоғлик қисмларга икки соат кейин, ғарбий қисмларига уч соат кейин кириб келади ва инсонлар уни катта-катта қувончлар билан кутиб олиб, эски йил билан хайрлашадилар.

Уларнинг урф-одати бўйича янги йил куни дўстлар, қариндошлар ва қўшнилари ташриф буюришади ва бу очик уй деб аталади.

1789 йил 1 январда Президент Вашингтон биринчи бўлиб ўз қароргоҳини очган ва бунга ҳамма ташриф буюрган.

Рождество ва янги йил байрами бир-бирига яқин келади. 31 декабрь куни Америка одамлари эски йилни кузатиш муносабати билан ўзларининг сеvimли қўшиқларини айтишади. «Олт Лейн Сайн» қўшиғи шотландиялик шоир Роберт Бёрнс томонидан ёзилган. Инглиз тилида гаплашадиган халқлар бу қўшиқни севиб маромига етказиб қуйлашади.

Янги йил кириб келиши билан қўнғироқлар жаранглайди. Шу сонияда ўқувчилар яхши ўқишни ният қилишса, оналар қаттиқроқ ишлашни режалаштиришади.

РОЖДЕСТВО

Рождество 25 декабрь куни Исо Масихнинг туғилган куни сифатида, диний байрам сифатида нишонланади. Рождество арафасида кўп черковлар одамларга хизмат қила бошлайди. Ярим кечасидан бошлаб рождествонинг эрталабигача хизмат қилинади. Рождество байрами баъзан оилаларнинг севимли байрами ҳамдир. Магазинлар, банклар, корхона ва ташкилотлар, мактаб ва коллежлар рождестводан янги йилгача ёпиқ бўлади. Одамлар шу куни уйда қолишга ва ўз қимматли вақтини оиласи даврасида ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Шу куни инсонлар бир-бирларига ёки дўстларига карточкалар жўнатадилар. Мактабларда, коллежларда тадбирлар ўтказилади.

Баъзан кичкина болалар ухламасликка ҳаракат қилади: ривоятларга қараганда улар Санта Клаус келиб яхши болага катта сумкада бир қанча ўйинчоқлар ташлаб кетади, деб ишонишади.

БОШҚА БАЙРАМЛАР

Америкада ҳам кўп байрамлар нафақат шу заминда, балки дунёнинг турли бурчакларида (Европа, Африка, Лотин Америкасида) ҳам нишонланади.

Январь. Январда асосий байрам – янги йил нишонланади.

Мартин Лютер Кингнинг туғилган куни ойнанинг учинчи душанбасида нишонланади. У қора танли аҳолига бошлиқ бўлган ва уларнинг эркинлиги учун қаттиқ курашган.

Февраль. Валентин куни ёки севги байрами (14 февраль). Бу байрам кўп ўқувчилар орасида маълум ва машҳур. Шу кунда ҳамма ўз севганига хоҳлаган совғасини тақдим этади. Қизил атиргул берган кимса ўз ёрини жондан ортиқ севишини англатади.

Шу ойда икки Президентнинг туғилган куни нишонланади. Линкольннинг туғилган куни 12 февралда нишонланса, Жорж Вашингтоннинг туғилган куни 22 февралда нишонланади.

Март. Авлиё Патрик куни – 17 мартда байрам сифатида нишонланади, бу байрамни нишонлаш ирландиялик авлиё Патрикка бағишланган. Ушбу кунда инсонлар яшил кўйлак кийишлари шартдир. У киши асли ирландиялик бўлиб, Англияга қувғин қилинган.

Апрель. 1 апрель ҳазил куни сифатида нишонланади. Шу куни инсонлар бир-бирига ҳазил-мутойиба қилишади.

Пасха байрами ҳам диний байрам бўлиб, шу ойда нишонланади.

Май. 1 май ишчилар куни сифатида байрам қилиб нишонланади. У баҳорнинг дастлабки кунларига ҳам тўғри келади, аммо инсонларнинг ўзлари шу кунни байрам тарзида қабул қилганлар.

Июнь. Оталар кунидир. Ушбу кун ойнинг учинчи шанбасида, ҳамма ўзининг отасига, бобосига совға буюриш билан нишонланади.

Июль. 4 июлда Америка халқи ўзининг мустақиллик кунини давлат байрами сифатида нишонлайдилар. Мустақиллик куни Жорж Вашингтон томонидан эълон қилинган.

Сентябрь. Сентябрнинг биринчи душанбаси меҳнат куни сифатида нишонланади.

Октябрь. Шу ойнинг иккинчи душанбаси – Федерал байрам Колумб хотирасига бағишланади, лекин шу куни муассаса ва ташкилотлар ишлайдилар.

Хелло Винг ҳам 31 октябрда байрам сифатида нишонланади.

Ноябрь. Ноябрьнинг охириги пайшанбаси Худога шукрона айтадиган кун. 1621 йили Англиянинг бир экипаж кема одамлари Америкага бориб қолиб, оч-наҳор қолиб кетишади. Вақти келиб ўзларига егулик топганларидан кейин ўша куни худога шукрона қилиш куни деб эълон қилиниб, байрам қилинади. Бу байрамни биринчи бўлиб Президент Жорж Вашингтон нишонлашни эълон қилади.

**ИСАНОВА
ЗЕБУНИСО
ХОЛМУРОДОВНА**

1985 йил 4 апрелда Навоий шаҳрида туғилган. Навоий Кончилик институти ҳузуридаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси (Фан йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

3. Исанова зийрак, билимга чанқоқ ва жамоатчидир. У нафақат кимё фанининг билимдони, балки шеърят шайдоси ҳамдир. Компьютерни севиб бошқаргани каби шеърлар ва газаллар ҳам битади. Унинг публицистик мақолалари «Дўстлик байроғи», «Оила ва жамият», «Тонг юлдузи» ва «Маърифат» газеталарида чоп этилмоқда. Унинг «Кимё фанидан олимпиада масалалари» номли қўлланмаси диққатга сазовордир. Кимё фани бўйича назарий билимларни янада мустаҳкамлаш, кимёвий жараён ва қонуниятларни чуқурроқ ўрганишда кимё фанининг турли бўлимларига оид масалаларни ечишда бу китобнинг аҳамияти каттадир. У 2000 йил май ойида Боку шаҳрида ўтказилган 34-Халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, совриндор бўлган ва махсус диплом билан тақдирланган. Унинг масала ва тест топшириқлари ушбу олимпиадага тавсия этилган. Ушбу қўлланма мактаб, лицей ва олий ўқув юртига кирувчилар учун зарур қўлланмадир. Унинг «Кимё фани фидойилари» номли рисоласи шунинг учун қимматлики, бу рисолада ўзбек кимёгарларининг кимё фани ривожланишида тутган ўрни мисоллар билан яққол очиб берилган.

Шеърлар

ВАТАН ДЕБ ЯШАЙМИЗ

Юртим, ҳар бир гўшанг бўлгай гулистон,
Буюк келажанинг тонглар каби оқ,
Бўлгай ҳар қарич ер боғ ила бўстон,
Ватан деб аталган – шу азиз тупроқ.

Сенга ҳеч тегмагай ғаним отган тош,
Чун этар фарзандлар кўксини қалқон
Ва асраб-авайлаб ҳар бир қари-ёш,
Ватан деб яшаймиз — бутундир иймон.

Гуллатиб яшнатсак биз шу Ватанни,
Ҳаёт ҳам гўзалдир, дилда йўқ армон.
«Ватан — саждагоҳим» деган ҳар жонни,
Аллоҳ ҳам севгайдир — удир чин инсон.

ВАТАН

Ватан — сен азизсан, мустақил, ҳурсан,
Сенинг буюклигинг — менинг орзуим.
Сен қадим Туронсан — муқаддас нурсан,
Азиз сиймоларинг — менинг мавзуим.

Юртим, мустақиллик тўйинг муборак,
Гуллаб яшнар эзгу ўйинг муборак,
Худойим асрасин ёмон кўзлардан,
Яна бир ёш ўсган бўйинг муборак!

* * *

Таним — Ватан меҳридан
Униб ўсган ниҳолдир.
Гар ниҳол сўлар бўлса,
Руҳим она-Ватандир.

Сўнг шу она заминда
Гиёҳ бўлиб унгайман
Ва Ватан тупроғига,
Нур бағишлаб тургайман.

* * *

Ватан саждагоҳдир, Ватан — муқаддас,
Асрамоқ бурчимиз уни ҳар нафас.
Тупроғини айлаб кўзга тўтиё,
Жаннат яратайлик, қилсинлар ҳавас.

Баҳор келмай туриб, чечаклар унмас,
Мард ўғлон меҳридан Ватан обод, бас.
Фарзанд номард эрса, юз қародир, ҳақ,
Эл ҳам айтар уни иблису нокас.

БАХТНИ ҚУЧАМАН

Ой сузмоқда,
Юлдуз чарақлар,
Тун қўйнида
Тонгни кутаман.
Тонг отмоқда,
Тун ҳам чекинар,
Юрт қўйнида
Бахтни қучаман...

ЮЛДУЗГА БОҚИБ

Олидан нур сочган юлдузга боқиб,
Тун бўйи ўйланиб сураман хаёл.
Истиқлол қўшиғин куйида оқиб,
Бахтимдан шодланиб куйлайман, бир ҳол.

Майин эсан шамол сочларим силар,
Юлдуз ҳам чарақлар мен томон боқиб.
Ватанга бор меҳрим ошгандан-ошар,
Боқди ҳуснига маҳлиё осмон.

Аллоҳдан бахт тилаб она-Юртимга,
Кўнгил истакларим бир-бир айтаман.
Узоқ термулганча ёнган юлдузга,
Руҳимда тетиклик, секин қайтаман...

ҚОР ЁҒМОҚДА

Қор ёғмоқда тонг саҳар чоғи,
Кўнгилларни яйратиб ёғар.
Оқ либосга ўраб ўлкамни,
Келинчакка ўхшатиб қўяр.

Қор ёғмоқда, элимга яна
Насибани ато этмоқда.
Қалбимизни тўлдириб завққа,
Орзуларнинг бўйин чўзмоқда.

Маили, ёғсин қорларинг доим,
Кўнгилларни тўлдирсин шавққа.
Ҳуснин безаб Ўзбекистоним,
Кўз-кўз қилсин шу она Шарққа.

ОНА ШАҲРИМ

Бобом номи ила аталган шаҳрим,
Боқиб жамолинга, очилар баҳрим.
Истиқлол нуридан ўсиб улғайгин,
Навоий шаҳрим сен, ғурурим, фаҳрим.

Навоий орзусин рўёб айлагин,
Тўю байраминга элни чорлагин,
Менинг баҳтимга сен доим порлагин,
Ватаним парчаси — Навоий шаҳрим.

БАҲОР

Баҳор келди сепларин ёзиб,
Янги тушган келинчак мисол.
Унинг илиқ нафасин сезиб,
Ўлкам бўлди янада гўзал.

Баҳор келди чечаклар сочиб,
Бахт-иқболдан сўзлашар дўстлар.
Ўйнаб-кулиб, лолалар териб,
Баҳор бўлиб юрмоқда қизлар...

**МИРЗАКПАРОВА
ХОЛИДА
ТЎРАМИРЗАЕВНА**

1987 йил 3 сентябрда Наманган вилоятининг Чортоқ туманида туғилган. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси (Санъат йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Холида мактабда фақат аъло баҳо-ларга ўқийди, тиришқоқ ҳамда намуна-ли хулқи билан ўртоқларидан ажра-либ туради. У 3-синфдан бошлаб «Ёш мусаввирлар» тўрагининг аъзосидир. Жуда кичиклигидан турли хил расмлар чизади ва ўзи қизиқарли мавзуларни ўйлаб топади. Туман, вилоят ва республикада ўтказилган кўплаб кўрик-танловлар иштирокчиси ва ғолибидир. Болалар ўртасида халқаро «Ченидзе – 99» кўргазмасининг иштирокчиси бўлган. У «Жонажон Ўзбекистон», «Атрофимиздаги ҳаёт» мавзуларида ўтказилган кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган. 2000 йилда қўшни ҳамдўстлик мамлакатларидан Қирғизистонда ўтказилган «Ёш рассомлар» кўрик-танловида қатнашиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. VII ва VIII республика иқтидорли болалар кўрик-танлови иштирокчисидир. Унинг «Онанинг кўз ёшлари тўқилмасин», «Хаёл – Орзу», «Болалик», «Мустақиллик шарофати», «Олма терими», «Бувижоним билан», «Манзара», «Завқий», «Менинг онажоним», «Талаба бўлсам» ва «Куз» каби расмлари диққатга сазовордир. У «Янгиқўрғон ҳаёти» ижодий уюшмаси аъзосидир. Холида расмлар чизибгина қолмай, шеърят шайдоси ҳамдир. Унинг шеърларида она-Ватан ҳамда мустақиллигимиз болаларга хос соддадиллик билан ифода этилган. Нанай қишлоғининг гўзал табиати, ҳамқишлоқлар ҳаёти унинг яратган натюрмортлари ва шеърларининг асосий мазмунини ташкил этади. Яна «Аёл қадри», «Ўзбек қизиман», «Муаллим», «Одамзод» каби шеърлари ниҳоятда пишиқ ва пухта ёзилган. Аъло ўқиши, намунали хулқи ва зукколиги, турли конкурс ва кўрик-танловлардаги иштироки учун вилоят халқ таълими бошқармаси ва республика Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган.

**АСҚАРОВА
ГУЛЖАМОЛ
ШОДМООНВА**

1978 йил 5 мартда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган. Каттақўрғон тумани «Ҳилол» газетаси ходими (Адабиёт йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Гулжамол Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Ҳилол», «Каттақўрғон» туман газетаси ходими. У қобилиятли, ўз устида тинмай ишлайди. Зукко, истеъдодли қиз, ўқиш билан бирга «Саодат» журналида мусахҳиҳ, «Миллий тикланиш» газе-

тасида мухбир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган. 1998 йили «Чўлпон» нашриётида «Дил фасли» ва «Умид дарахти» китоблари чоп этилган. Унинг шеърларининг гоёси мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол ғояларини, халқимизнинг азалий анъаналарини юксакларга кўтариш ва тараннум этишдир. Гулжамол мактабда ўқиганида ҳам фаол, жамоатчи қиз эди. У туман, вилоят кўрик-танловларида, фан олимпиадаларида фаол иштироки учун фахрий ёрликлар билан мукофотланган. 1996 йил Ўзбекистон республикаси Улуғбек номи истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним, ифтихорим ва шоним, шарафим» танлови ғолиби бўлганлиги учун I-даражали диплом билан тақдирланган.

Шеърлар

АЖДОДЛАР ШЕЪРИ

Болам, менинг кишанларим кўп,
Уларга кўп чалишасан сен.
Ахир қанча уринмай, ёнмай,
Кишанларни узолмадим мен.

Болам, менинг хатоларим кўп,
Улар сени йиқитмасайди.
Мен бор этиб кетган йўқликлар
Сенинг боринг йўқотмасайди.

Мен ҳайқирган минбарларим қўп,
Ярар дедим каму кўстингга.
Мен тиклаган минбарлар бугун
Йиқилмаса эди устингга...

Дарёларинг қуритган ҳам мен,
Осмонларинг асролмаганман.
Бир кун чанқаб ёнингга борсам,
Бир томчи сув тутармикансан?

Болам, мени кечирармисан,
Тигимдан қон бўлди кўп чаман.
Энг сўнгги бор қўлларим чўзсам,
Қучоғига оларми Ватан?

Қара, қанча хавотирдаман,
Гарчи сени овутмас нолам.
Аммо сени суясин дея,
Мен... дарахтлар... экканман... болам!

2000 й.

ШЕЪРИМГА

Ҳали минг сарбонлар келадур,
Тусланиб замонлар келадур,
Яхшию ёмонлар келадур,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Ёзилар минг битта тарихлар,
Кўксимдан қазилар ариқлар.
Битади юракда ёриқлар,
Шеърим, сен бари бир яшайсан!

Минбарлар йиқилар сурилиб,
Янтоқзор йўл бўлар юрилиб,
Гоҳ осмон, гоҳ ерга урилиб,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Кўксимга санчилар киприklar,
Юракдан тўкилар ўкриklar,
Сочимдан ясалар кўприklar,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Хазонлар сарғаяр сабримдай,
Илдизим шовуллар жабримдай.
То абад чўкмасдан қабримдай,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Ҳали кўп савдолар бошингда
Мен руҳлар истадим лошингдан.
Йиғлайди онам ҳам қошингда,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Жигарни маконлар қилгайсан,
Куллардан султонлар қилгайсан.
Руҳимсан, Исёнлар қилгайсан,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Кимлардир ўтадур ўтпараст,
Кимлардир шоҳпараст, бутпараст.
Мен фақат шеърпараст, шеърпараст,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Топтарлар, дорлиқлар берарлар,
Ёмон деб «ёрлиқ»лар берарлар.
Борлиқлар, хорлиқлар берарлар,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

Вафою хиёнат ўтадур,
Оқибат-диёнат ўтадур,
Ҳаттоки қиёмат ўтадур,
Шеърим, сен бари бир яшайсан.

1993 й.

ПОКЛАНИШ

Ҳурлигу хўрлик надир?
Эрксиз ҳар онингни юв!
Эрк аталмиш чашмада
Чашми гирёнингни юв!
Бошдин-оёғ тоза бўл!
Гадою хонингни юв.
Ўн саккиз минг оламинг,
Қибланг, тўрт ёнингни юв!
Азал-абад ободмас,
Шабнамда тонгингни юв!

Кўзларинг очмай уйғон!
Оппоқ иймонингни юв!
Сувларни юв сув билан!
Жисмимни жонимда юв!
Шунда ҳам уйғонмасам,
Руҳимни қонимда юв!
Руҳимни қонимда юв!
Руҳимни қонимда юв!

1998 й

ИЛИНЖ

Тупроқлар тингланур дамлар келадур,
Келади кўзларни кечирмоқ фасли.
Совуқ ибтидонинг интиҳосида,
Тугаб бораверар дарахтлар насли.

Кўшилиб йиғлайди ёмғиру тупроқ,
Лойлар пайдо қилар менинг исмимни.
Тупроқлар бағрига олмаса агар,
Дарахтлар қучоқлаб йиғлар жисмимни.

Минг йилки, зулматлар ичра абасман,
Рўшнолик тўлдирар бир кун абримни.
Менинг юрагимни тингламаганлар
Бир кун тинглайдилар менинг қабримни:

Дўстлар...

Сизни...

Яхши кўрардим...

1998 й.

* * *

Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,
Энг гўзал, энг оппоқ тонгдан кечгулик.
Тўртта томонингни қибла этса ҳам,
«Бор-эй» деб шу тўртта ёндан кечгулик,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,

Арзиса кўзингда ёшларинггача,
Сигинса кўксингда тошларинггача;

Кўзларинг минг нафрат ҳады этса ҳам,
Севолса кипригу қошларинггача,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,

Куйдириб, куйиб ҳам кулса ўзингга,
Титрамай, титроқлар солса тизингга.
Ўзидан ўзганинг васлин кўрсатмай,
Иккита пичоқ санчиб кетса кўзингга,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,

Бир умр ишқига жонни қорғудек,
Зарра ҳижронни ҳам юрак ёргудек.
«Кел» деса етмишта томиринг узиб,
Хаёлдан олдин ҳам ўзинг боргудек,
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,
«Бор-эй» деб шу тўртга ёндан кечгулик.

1997 й.

ЭРК

Мендек мўъжизангни қабул эт, дунё.

Г.Тоғаева

Дарахтларда гуллайди худо,
Майсаларда кўкаради у.
Ёғилади қуёш нуридан
Ёмғирларда тўкилади у.

Туну кунлар тик турар дарахт,
Кўк худо деб кўзин ёшлайди.
Бутун борлиқ тангрига сассиз
Ҳамду сано айта бошлайди.

Мўъжизаман десам хўрлама,
Азобим — ишқ, азоб — хўрагим.
Бир кун келар тўлғоқларимдан
Мўъжизалар туғар юрагим.

Ки мен ишқман, худонинг ишқи,
Ҳар бир ҳарфи менинг исмимда.
Таҳқирлама, ахир худонинг
Нури яшар менинг жисмимда.

Шундан руҳим хурланган, учар,
Дил ишқига банди, дарбадар.
Гарчи бу Эрк Аллоҳ бўлолмас,
Лек эркинлик – Аллоҳим қадар.

ОТАМГА МАКТУБ

Мен булутни оқ деб юрибман,
Юрагингиз бунча оқ, ота?
Тошкентида ўйнаб юрибман,
Дунё менга ўйингоҳ, ота.
«Кайфиятинг қандай», дейсизми?
Доимгидек кўнглим чоқ, ота.
Кўзмунчоқлар бермасин онам,
Худо менга кўзмунчоқ, ота.
Дуоларинг асрайди мени,
Кўнглим – мангу яшил боғ, ота.
Ёлғонларга ўргатмагансиз,
Ҳақни излаб дилим доғ, ота.
... Ростин айтиб қўйдим бари бир,
Юрагимда минг ямоқ, ота.
Қайтгим келар қишлоққа буткул,
Бунча оғир яшамоқ, ота?
Артолсайдим этигингизни,
Ер қаттиғу кўк йироқ, ота.
Ўпиб яшар оёғингизни,
Тупроқ мендан бахтлироқ, ота.
Қайтгим келар қишлоққа
гоҳи...

1995 й.

**ЗОЙИТОВА
ШАҲЛО
НАБИЕВНА**

1983 йил Қашқадарё вилоятининг Толлимаржон туманида туғилган. Сирдарё вилояти Меҳнатобод тумани халқ таълими бўлимининг ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси, 1-мактаб ўқитувчиси (Адабиёт йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Шаҳло ёш ижодкор, у туманда ёшлар билан ишлайди. «Дала қўшиғи» номли гўзал шеърий тўпламида она-Ватан мадҳини табиат гўзалликлари ва муҳаббатни ёшларга хос жўшқинлик билан ифодалайди. Унинг шеърлари «Саодат», «Гулчеҳралар», «Хуқуқ» газеталарида чоп этилган. Унинг «Ватан», «Далам», «Соғиндим», «Бойчечак», «Янги йил», «Мустақиллик» ва «Наврўз келди» шеърлари таъсирли чиққан. У туманда «Ёш қаламкашлар» тўғарагини ташкил қилган.

Мактабларда кўпгина учрашувлар, кўрик-танловлар ва маънавий-маърифий мавзуларда суҳбат ва беллашувлар ўтказмоқда. Шаҳло ўзи ёзган шеърларини қўшиқ қилиб куйлайди, жуда ширали овозга эга. У қишлоқда ўсган, пахтазорда чиниққан, мутахассислиги ҳуқуқшунос. Халқ таълимида ёшларга маънавий-маърифий йўналишда таълим-тарбия бермоқда. Шаҳло юрагида борини ёзади, ўқиш, ўрганиш, изланиш билан ўзининг билими ва дунёқарашини бойитиб бормоқда.

Инглиз тилини мукамал билади. Мактаб ўқувчилари учун ўз ташаббуси билан тил ўрганадиган тўғарақлар ташкил қилган.

Шеърлар

ВАТАН

Дала, боғларингни тонгда кезайин,
Тупроғингни ҳидлаб, энтикиб майин,
Чўлларингни гуллар билан безайин,
Ишқинг қалбимга бир умр жо этайин.

Қайга буюрсанг шунда ҳозир бўлайин,
Тошларни кемириб, сув симирайин,
Сўнгни нафасгача ёвдан асрайин,
Ишқинг қалбимга бир умр жо этайин.

УСТОЗ ЗУЛФИЯ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ

Шеърларингиз ўқиб руҳим юксалар,
Ҳаёт мен билмаган сирларин очар.
Қалбим осмони оқ нурга чулғанар.
Ўгит тўла китоб тутган Устозим.

Шеърият бўстони мунча сирга бой,
Қаҳратон қишда ҳам бир гўзал чирой,
Ҳайратимга шерик кўкда тўлин ой?
Ўгит тўла китоб тутган Устозим.

Садоқат мавзуси – қуёш нур сочар:
Қайғу музин мангу эритиб турар,
Қалбингиз аёлга буюк бахт истар,
Ўгит тўла китоб тутган Устозим.

Орзум ҳар сатрингиз дилга жойлайин:
Шеъриятдир менинг сиғинар жойим,
Шогирд деган номни мен ҳам оқлайин.
Ўгит тўла китоб тутган Устозим.

БЕПОЁН ДАЛАМ

Уфқ суянган, менинг бепоён далам:
Меҳр қўйиб суйганга сиринг очасан.
Мадҳинг куйлар тинмай кўлдаги қалам,
Баҳор, менга атаб гуллар сочасан.

Айт, бунча меҳрни қайдан олгансан,
Боболарим хоки бўлган тупроғим.
Юрагимга ажиб қувонч солгансан.
Қалбимни ёритган кўҳна чироғим.

СИЗГА ЎХШАСАМ

Онам пахтакор Гулсара Умаровага

Даламни оқ гулга ўрасам,
Юрт корига бир кун ярасам,
Оппоқ тонгни жўшиб куйласам,
Онажоним, сизга ўхшасам.

Илғор ёшлар кўпайсин доим,
Мен ҳам сафда бўлай илойим,
Сиз айтгандек юксак толеим,
Онажоним, сизга ўхшасам.

Меҳнат қилган ҳеч кам бўлмайди:
Тикка боши ҳеч ҳам бўлмайди,
Сирли гул – бу сўз ҳеч сўлмайди,
Онажоним, сизга ўхшасам.

Ишонч, иймон доим дилимда,
Сиздай азиз бўлай элимда,
Шу сўз такрор доим тилимда:
Онажоним, сизга ўхшасам.

ЮР, ЧИҚАЙЛИК НАВРЎЗ САЙЛИГА!

Товланади алвон лолалар,
Сумалагин сузар момолар,
Кўкда варрак, шоддир болалар,
Юр, чиқайлик Наврўз сайлига!

Кўкда қуёш нур-зар сочади,
Қалдирғочлар ўйнаб учади,
Оқ, пушти гул боғни безади,
Юр, чиқайлик Наврўз сайлига!

Деҳқон мағрур, нияти улуғ,
Чўпон учун бу йил қутлуғ,
Ёш-кексанинг илиги тўлиқ,
Юр, чиқайлик Наврўз сайлига!

Ҳофиз жўшиб дилдан куйлайди,
Раққоса қиз шўх-шўх ўйнайди,
Эл қувониб бахтдан сўйлайди,
Юр, чиқайлик Наврўз сайлига!

БАҲОР

Сен келсанг адирда лолалар сайли,
Сен келсанг далалар бирам чиройли,
Сен келсанг гул териб чарчайин, майли,
Навқирон юртимни суйган баҳорим.

Қошга ўсма қўйиб қизлар яйрайди,
Боғларда қушлар маст, тинмай сайрайди,
Сенга атаб ҳофиз қўшиқ куйлайди,
Навқирон юртимни суйган баҳорим.

Ҳосилинг мўл бўлсин, бободехқоним,
Қўй-қўзинг кўпайиб қувон, чўпоним,
Уфққа туташсин-ей гўзал чаманим,
Навқирон юртимни суйган баҳорим.

АЁЛ

Пойингга баҳор гуллар сочади,
Сен учун қуёш нур сандиқ очади,
Сен учун гул-ғунча тугун ечади,
Бахт қасрида мангу бахтлисан, Аёл.

Фарзандлар камолин кўриб қувонган,
Юрт келажига дилдан ишонган,
Юраги яратиш ишқида ёнган,
Бахт қасрида мангу бахтлисан, Аёл.

Садоқат боғида, чаман яратган,
Алла айтиб майин, тонгни уйғотган,
Дунёга қувончлар сочиб яйратган,
Бахт қасрида мангу бахтлисан, Аёл.

* * *

Оппоқ қўшиқ куйламоқда тонг,
Гул япроғи ажиб титрайди.

Дўстгинам, тез уйғониб қаранг,
Дала яшил кўшиқ куйлайди.

Текис унган ғўзани кўриб,
Деҳқон кўзи чарақлаб кетар.
Қаранг, уфқ ҳам бирам қизариб,
Кўёшжон, о, кутлашга шошар.

* * *

Ҳеч қачон оналар тўкмасин кўз ёш,
Булут панасида қолмасин кўёш,
Ҳеч емирилмасин юртда тоғу тош,
Фанимлар бошига нафрат-тош отаман.

Жондан азиз юртим зарра тупроғи,
Оналарнинг фарзанд кўзи қароғи,
Ҳар уйнинг ўчмасин ёнган чироғи,
Фанимлар бошига нафрат-тош отаман.

ЁМОН КЎРАМАН

Яхшилик йўлига тошларин отган,
Эзгуликни кўриб тошдайин қотган,
Иймонли юракни аямай сотган,
Қоп-қора бахилни ёмон кўраман.

Ёлғон гапириш нақ юмуши бўлган,
Ифвога ичию сирти ҳам тўлган,
Тирик юриб ўзи аслида ўлган,
Юзсиз ёлғончини ёмон кўраман.

ДУГОНАЛАРИМГА

Сиз борсиз, яшайди иффат-латофат,
Сиз борсиз, яшайди буюк муҳаббат,
Сиз борсиз, яшайди қалбда диёнат,
Мунча ҳам ғўзалсиз, дугоналарим.

Юракка ўт ташлар боқишларингиз,
Ўғул чаккага гул тақишларингиз,
Кўзни қувонтирар юришларингиз,
Мунча ҳам ғўзалсиз, дугоналарим.

Дилга ой онангиз берган ўгитлар,
Кўзингизда чақнар нурли умидлар,
Ишқингизда ёнсин ботир йигитлар,
Мунча ҳам гўзалсиз, дугоналарим.

* * *

Ўйларимга сиз шоҳ бўлибсиз,
Юрагимга оҳ, воҳ бўлибсиз,
Қалб сиридан огоҳ бўлибсиз,
Муҳаббатни куйлайди юрак.
Сизсиз яшай олмасам керак.

ЁЗ ОҚШОМИ

Дўстим, ёз оқшоми тинглаганмисан,
Сирли шивирлайди терак барглари.
Оҳ, зийраклик билан қараганмисан,
Салқинни симирар гул япроғлари.

Шундай гўзал юртим ёзги оқшоми,
Кўкда тўлин ой нур сочин тарайди.
Ҳайрати беғубор кўзида чақнаб,
Қизча бувисидан эртақ тинглайди.

Қурбақа оқшомнинг жўшқин куйчиси,
Сукунатнинг кўкси ёрилиб кетар.
Осмоннинг қасрида юлдузлар базми,
Тунга нур-дур сочиб авжига чиқар.
Шундай гўзал юртим ёзги оқшоми.

* * *

Муҳаббат — қалбдаги қувончим,
Топганим, паноҳим, ишончим,
Дунёда тоғдайин суянчим,
Муҳаббат!
Муҳаббат — гуллаган баҳорим,
Гоҳида беором озорим,
Дилимга жойланган туморим,
Муҳаббат...

**ХОЛМУРОДОВА
ЗЕБУНИСО
БАҲОДИРЖОНОВНА**

1985 йил 15 январда Сурхондарё вилоятининг Узун туманида туғилган. Сариосиё туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси (Адабиёт йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Зебунисо мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Айниқса, она тили ва адабиёти, тарих фанларини астойдил севади, республика ва вилоят олимпиадаларида 1998 йилда иккинчи ва 1999 йилда учинчи ўринларни эгаллаган. Айни пайтда шеър ва мақолалар ёзиб туради. Унинг шеър ва мақолалари вилоят, туман газеталарида чоп этилмоқда. Унинг «Хумо парвози» номли китоби нашрдан чиққан. Унинг ижодкорлиги, айниқса, «Огоҳлик – муқаддас бурч» мавзусида ўтказилган иншолар кўрик-танловида намоён бўлиб, юқори ўринни эгаллаган ва фахрий ёрлиққа сазовор бўлган.

Бундан ташқари, 1997–1998 йилларда тарих фанидан ўтказилган Республика олимпиадасида фахрли 2-ўринни эгаллаган. Тўғарақларнинг фаол иштирокчиси, бўш вақтларида тикувчилик ва гуллар парвариши билан шуғулланади, мактабда «Ёш биолог» тўғараги аъзосидир. Сариосиё туманига бостириб кирган бир гуруҳ ватангадоларга қаҳри-ғазаби ошган Зебунисо шеър ва иншолар ёзиб, вилоят ёшларига мурожаат қилган. Вилоят ёшларига чақириқ билан чиқиб, ҳар бир ёшнинг ўз она-Ватанини севишга, душманлардан огоҳ бўлишга ундади.

Зебунисонинг шеърларида Ватан ишқи, дўстлик, меҳр-мурувват, ёшлик ва тинчлик каби мавзулар ўрин олган. У нафақат шеърят шайдоси, жуда чиройли кашталарни чизиб, ўз қўли билан тикади. 1999–2000 йилларда вилоятда ўтказилган «Балли, қизлар» кўрик-танловининг совриндоридир.

Шеърлар

ЎЗБЕК ХОНАДОНИ

Ўзбекликнинг зебу зийнати,
Пазандалик унинг санъати.
Ширин таом ила сийладим,
Кўк чой дамлаш қиз фазилати.
Ўзбек уйин бекларига хос —
Меҳмон кутиш уларгадир мос.
Аёлларин доим эъзозлаб,
Меъбонликни қилар жуда соз.

ГУЛЛАР БЕКАСИ

Мен гулзорим бекасиман,
Юрагим — гул шайдоси.
Очил, гулим, гулзор аро,
Зебо шеърин давоси.
Юрагимни сенга очай —
Бошларингни эгмагил.
Меҳнатимни меваси сан —
Дардим ошкор қилмагил.

РАҚИБЛАР

Ёмонликдан сўрадилар:
— Мақсадинг не дунёда?
— Яхшиликни заҳарласам:
Отлиқ бўлса пиёда!
Яхшиликдан сўрадилар:
— Мақсадинг не дунёда?
— Одамларга хизмат қилсам,
Умр бўлса зиёда!
Ёмонликдан сўрадилар:
— Юмушинг не жаҳонда?
— Юракларга қўрқув солай,
Жанг бўлса тўрт томонда.
Яхшиликдан сўрадилар:
— Юмушинг не жаҳонда?
— Ер юзини гулга кўмай,
Тинчлик бўлсин маконда!

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Хуснимдан ёлғонлар сўзламасин деб,
Сурмалар қўймадим қошу кўзимга.
Мендан комилликни талаб қилган шахс —
Нега ишонмайсан кўнгил сўзимга?

* * *

Митти санаганим шўх капалакнинг
Хуснига энтикиб қиламан ҳавас.
Энг буюк деганим инсоннинг қалби —
Нега ҳар доим ҳам чиройли эмас?

* * *

Ҳунари бор зор бўлмас,
Ҳунарсизда ор бўлмас.
Ҳунарли қиз ҳар жойда,
Элу юртда хор бўлмас.

**ТУРҒУНБОЕВА
ГУЛНОЗА
ТОШТЕМИРОВНА**

1983 йил 14 ноябрда Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган. Тумандаги 12-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси (Адабиёт йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Гулноза мактабда аълочи ва жамоатчи, зукко қиз. Айниқса, адабиёт ва математика фанларига қизиқиши катта, 1999–2000 йилларда туман, вилоят ва Республика фан олимпиадаларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаган.

Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. 1999 йил вилоятда «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқ танловида совринли ўринни эгаллаган. Шеърятга ихлоси баланд, унинг шеърлари ва кичик ҳикоялари «Паркент тонги», «Тошкент ҳақиқати», «Оила ва жамият» газеталари ва «Гулхан» журналларида босилмоқда. Унинг «Тилак» шеърлар тўплами нашрдан чиққан. У «Азизсан, Ватан», «Келинчак Наврўз», «Она юртим», «Ёшлик», «Тилак» ва «Онаизор» каби шеърларида соф болалик туйғуларини акс эттиради ва беғубор оламга ҳайрат кўзи билан қарайди. Гулноза тоғ қизи. Фикрлари тоза, шеърлари самимият билан йўғрилган ва шеърларида ҳурлик оҳанглари янграйди. У «Ёш қаламкашлар» тўғараги аъсосидир.

Унинг «Қайтинг дегим келадую» каби ҳикоялари ёшлар учун ўрнатилган бўладиган даражада ёзилган.

Шеърлар

АЗИЗСАН, ВАТАН

Осмонўпар баланд тоғларинг гўзал,
Булбулларга макон боғларинг гўзал.
Таърифга ожиздир ҳар қанча газал,
Ватан, Она каби азизсан, Ватан.

Гулларга кўмилган ҳатто чўлларинг,
Нурларга чўмилган олис йўлларинг.

Меҳрибон, мулойим, момиқ қўлларинг,
Ватан, Она каби азизсан, Ватан.

Қадрингга етгандан қадр топдим мен,
Ўтмишингни ўқиб, сабр топдим мен,
Ўзга оламларга эшик ёпдим мен,
Ватан, Она каби азизсан, Ватан.

КЕЛИНЧАК НАВРЎЗ

Бойчечак айтиб келди келарингни,
Саболар куйлаб елди келарингни,
Билсанг эди дилларга керагингни,
Хуш кўрдик дийдоринг, келинчак Наврўз.

Шўх-шўх қўшигингни куйлаб боғлар,
Рақсга тушиб кетар жажжи япроғлар.
Сўлимлик кафтида гўзал қишлоқлар,
Хуш кўрдик дийдоринг, келинчак Наврўз.

Эл сени сумалак билан сийлайди,
Табиат мадҳингга қўшиқ куйлайди.
Гулноза гулларинг суйиб қўймайди,
Хуш кўрдик дийдоринг, келинчак Наврўз.

ИККИЮЗЛАМАЧИ

Халқим деру ҳалқумни ўйлар,
Иймон деру куфрни кўзлар.
Ҳақни сенлаб, зулмни сизлар,
Асли, насли номаълум кимса.

Сиёсатдан сўз кетса агар,
Сўз теради у мисли заргар.
Сўзлайвериб жонингга тегар
Асли, насли номаълум кимса.

Бирор юмуш бошлаган чоғда
Лоқайдлиги элтар заволга.
Кетганда ҳам номаълум кетар,
Асли, насли номаълум кимса.

ОНАИЗОР

Икки сўзин бирида
Онаизорим,
Такрорлайди, қизгинам,
Сеники борим.

Бу каби бағрикенглик,
Яна кимга хос?
Қиёсласам тополмам,
Онамга қиёс.

Сўз тополмай бошимни,
Соламан қуйи...
Онам ҳолим сезгандек,
Юпатар суйиб.

БОЛАНГ АСРА

Дилни кенг тут, жо қилолгин дилингга,
Шум дунёнинг барча зору ҳасратин.
Номинг тушмас ота-онанг тилидан,
Боланг асра, сени худо асрасин.

Жовдиратма жайрон кўзли ёрингни,
У оҳори сени номус орингни.
Зар топмасанг, тўк бошидан борингни,
Боланг асра, сени худо асрасин.

Тирик туриб тонсанг зурриётингдан,
Одам тугул ит эргашмас ортингдан.
Гулноз сўзин чиқармагин ёдингдан,
Боланг асра, сени худо асрасин.

**ТЎХЛИЕВА
НАРГИЗА
БОҶИЖОНОВНА**

1984 йил 19 майда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида туғилган. Тошкентдаги А.Навобий номидаги Нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси (Маданият йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

Тўхлиева ўқиш давомида тенгдошлари орасида билимдонлиги, ижодий фикрлаши билан ажралиб туради. У серқирра ижод соҳибаси, «Мовароуннаҳр» ижодкорлар уюшмаси аъзосидир. Наргиз адабий кечалар, конференциялар ва мушоираларнинг ташкилотчиси ҳамда фаол иштирокчиси. У сценарийлар ҳам ёзади. Унинг сценарийлари туман, шаҳар ва республикада мактаб, коллеж ва олий ўқув юр்தларида фойдаланилиб келинмоқда. Унинг ватан ҳимоячиларига бағишлаб ёзилган сценарийси, «Биз Президент фарзандларимиз» шоу-дастури, «Тил байрами» ҳамда «Қувноқлар ва зукколар», «Сўнги қўнғироқ», «Ҳеч кимга бермаймиз сени: Ўзбекистон» каби сценарийлари асосида кўплаб тadbирлар ўтказилган. Шунингдек, «Ёдномалар мозийдан сўзлар», «Юсуф хос Ҳожиб ҳикматлари», «Сўзи боқий – ўзи боқий маликалар» номли диққатга сазовор илмий мақолалар муаллифи. Унинг шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавийи маънавий»сини яқинда ўзбек тилида чоп этилган нашри ҳақидаги «Най навоси» деб аталган жажжигина тadbқиқоти ўзига хослиги билан диққатга сазовордир. «Сайфи Саройининг «Сухайл ва Гулдурсун» достонида гўзаллик ва эзгу инсоний фазилатлар тараннуми» номли мақоласи ўқувчилар орасида яхши таассурот қолдирди ва бир неча газеталарда чоп этилди. «Зулфияхоним қизлари» сценарийсидан эса тумандаги барча мактабларда фойдаланилиб келинди. Унинг Республика матбуоти саҳифаларида «Аёл – она», «Куз», «Оламга гўзаллик бахш этилгандир» бадийий ўйлари ва қатралари, «Гапирадиган фасллар» ҳикояси чоп этилган. Унинг илмий-ижодий ишлари жамоатчилик ишлари билан ҳамоҳангдир. Ҳозирда А.Навобий номидаги Республика Давлат кутубхонасининг «Ўсмирлар» бўлимида «Ёш фаол китобхонлар» тўғарагини бошқармоқда. Ёш китобхонлар ўртасида ўзи ёзган сценарийлар асосида қизиқарли тadbбирлар уюштирмоқда.

БОЛАЛИГИМ – ПОДШОЛИГИМ

Ҳақиқатдан ҳам менинг болалигимни подшоликка тенглаштира бўлади. Майли, подшоликка эмасу, маликаликка тенглаштира қолай.

Бўлганда ҳам жуда инжиқ маликага. Бўлмаса-чи, айтганим айтган, деганим деган эди. Хуллас, уйда мен қилмаган “ишқал” иш қолмаган эди. Ҳатто шу даражага етдики, оймнинг бузилмаган тўғноғичи, дадамнинг ёзилмаган қоғози қолмади. Умуман, менинг подшолигим гуллаб яшнарли. Мен эса бу подшоликдаги «гўзал», «одобли» ва «ақлли» малика эдим. Ҳар бир давлатнинг ўзига яраша қонунлари, қоидалари мавжуд. Албатта, бундан менинг давлатим ҳам мустасно эмас эди. Масалан:

- Боғчага ҳар куни дўкон тарафдан борилиши шарт.
- Ҳар куни боғчадан чиқаётиб музқаймоқ ейишим зарур.
- Мультфильм бўлаётганда телевизорни бошқа каналга олиш қатъиян тақиқланади.
- Пиёлага қанча шакар солинишидан қатъи назар, қаршилиқ кўрсатилмайди.
- Бу қонунлар подшоликка зарар етказадиган тарзда талқин этилиши қатъиян ман этилади.

Мен ўз мамлакатимда шундай сиёсат юргизар эдимки, ҳатто бир неча мамлакатларни мустамлака қилиб олган эдим. Масалан, булар дадамнинг подшолиги ва оймнинг подшолиги. Улар менинг мустамлакаларим бўлганидан кейин менга бўйсунилари шарт. Табиийки, шундай экан, бу подшоликлардан менга жуда кўп совға-саломлар юборилар эди. Бу совғаларнинг энг қимматлиси эса музқаймоқ эди. Умуман олганда-ку, подшолигим гуллаб яшнаётган эдикуя, лекин у аста-секин инқирозга юз тутга бошлади. Бунга менга қарши уруш эълон қилган синглимнинг подшолиги сабаб бўлди. Мен бу жангда енгилдим. Энди менинг ўрнимда синглим ўтирар эди. Мен рад жавобини бериб, маликани ранжитиб қўйишим мумкин эди. Шунинг учун ҳам бу лавозимга рози бўлдим. Лекин вазирлик ҳам ёмон эмас эди. Ҳар қалай вазир деган номинг бор, шунга яраша ҳурматинг бўлади-да.

Ҳа, мен тақдиримдан беҳабар, вазирман деб ялло қилиб юраверибман. Буни қарангки, менга вазирлик ҳам насиб қилмаган экан. Чунки шохимизнинг ўзи ўрниларидан қулаб, ўрнимга вазир бўлиб олибди. Мен бечора энди нима қилай.

Охири ўйлаб-ўйлаб оддий бир қаландар бўлишни лозим топдим.

Ҳа, подшоликдан вазирликка, вазирликдан қаландарликка тушиш қувончли воқеа эмас, албатта. Эҳ-ҳе, оддий бир қаландарлик қаерда-ю, подшолик қаерда. Ахир қаландарлик шоҳлик эмас. Мана шуларни ўйласам негадир ўзимга-ўзим ишонмайман. Наҳотки подшолегим тугади. Наҳотки энди у ҳеч қайтмаса.

БАҲОР АЙЁМИ

Faroyib ism taъsiriда бош кўтарган исмалоқ ва қизини ҳам эргаштириб очилаётган қизғалдоқдан сал олдинроқ баҳорни кутиб олган чучмоманинг чучук тиллари оламга жар соляпти. Баҳор келди! Баҳор келди!

У дилларга ўзга шодлик, ўзга қувонч олиб келди. У қирларга лоланинг шойи ипларидан гул солиб, ажиб мато тўқиб келган. Ана, уйим шифтийнинг бекаси қалдирғоч ҳам қайтиб келди. Қанотида олтин ёрзулар билан келибди. Демак, бугун муборак кун, ажиб байрам. Баҳор айёми.

Ана қаранг, заминнинг эрқа чечаги, жажжи невараси бойчечак унинг кучоғида эркаланибгина ўтирибди. Бинафша ҳам бағри салкам музга айланаётган, қор билан қопланган ерни ёриб чиқиб, тухумдан чиққан полапондек аввалига ажабланиб атрофга боқади. Сўнгра Баҳоройим уни меҳр ила йўғрилган қўллари билан бошини силайди. Бундан куч олган бинафша яна ғайрат билан қор деб аталмиш қафасни ёриб чиқа бошлади. Ёриб чиқди-ю, Баҳоройимга кўзларини пирпиратиб салом берди. Баҳор ақлигина жиянчасига меҳр ила тўла кўзлари билан боқиб бор бўл, яша, сенинг вазифанг одамларнинг қалбига гўзаллик улашиш, дея унга оқ фотиҳа берди. Демак, энди одамларнинг қалби гўзаллик ва эзуликка йўғрилажак. Шу боис бу кун ҳам муборак кун, ажиб байрам, баҳор айёми.

Худди шу тариқа унинг ҳар бир куни мўъжизаларга йўғрилган, янгиликларга чўмган ҳолда ўтади. Баҳорнинг ҳар бир куни байрам бўлади. Илоҳим доим шундай бўлиб қолсин. У сизнинг дилингиздаги губорларни қувиб юбориб, дунёнинг барча севинчини унга жойласин ва ўз айёмини пок диллар, эзу ниятлар билан қарши олсин.

АЁЛ-ОНА

Аёл, сен меҳрибон она, уй бекаси, севимли ёрсан, лекин ҳаммасидан ҳам биз сенинг оналигингни ҳурмат қиламиз ва қадрлаб «Она» деб атаймиз. Чунки сен ўз жигарбандинг-фарзандингга кундузи чароғон офтоб, тунлари меҳрибон оймомо бўлиб, дилбандинг боши узра меҳринг нурларини таратасан. Она, мен сени офтоб деб атадим. Йўқ, бу асло муболаға эмас. Зеро, сен офтобнинг илиқ нурларини қалбингга жо этиб, уни меҳрингнинг мурувватли нурларига айлантириб, қуёш янглиғ фарзандингга таратасан. Сени тундаги меҳрибон оймомо деб атаганим бежиз эмас. Негаки қоронғу кечаларда ёруғлик маъбудаси бўлиб фарзандинг қошида парвона бўласан. Уни меҳринг беланчагига солиб алла айтасан:

Алла айтай, жоним болам,
Қулоқ солгин, алла.
Ширин аллам тинглаб аста
Ором олгин, алла.

Истиқболинг порлоқ сенинг,
Жажжигинам, алла.
Бахтимга сен катта бўлгин,
Кўрар кўзим, алла-ё.

Алла – сеҳрли куй. Она, балки сенинг орзу-ҳавасга лиммолим қалбингдан сизиб чиқаётган қўшиқдир у. Билмадим, лекин бу қўшиқда тонгги сабо софлиги, марварид шудринглар оғушидаги ғунча гўзаллиги, денгизнинг оҳиста мавжланиши, табиат тумори бўлмиш қуёшнинг ҳароратли нурлари ва осмонларча меҳр-муҳаббат бор. Мана шу ажиб қўшиқ оғушида фарзандинг ором олади. Сен эса тун қўйнида худди гул япроқларини оҳиста тебратаётган шаббодадай, дилбандинг бешигини тебратасан. Шундай меҳр-муҳаббат, ихлос билан тебратиб алла айтасанки, ҳатто уйқу парилари ҳам сени ўзларига маҳлиё қилолмайдилар.

Сен алла айтасан меҳрингни қўшиб,
Шу алла меҳри-ла улғаяр боланг.
Сен алла айтасан ҳаётдай жўшиб,
Шу алла учун ҳам қарздордир боланг.

Она, сен фарзандингни ана шундай сеҳрли аллалар, поёнсиз орзулар билан улғайтирасан. Эсингдами, фарзандингнинг биринчи қилиқлари, аста-секин қадам босиб юрганлари, тили эндигина чиққан чоғдаги ширин-ширин сўзлари. Ўшанда сен оёғинг тагида ўралашиб юрган, ширин тиллари билан «Ая», «Ая» дея ўзингга талпинаётган жажжигина мўъжизани бағрингга босиб севингандинг. Ҳа, буларнинг бари, шубҳасиз эсингда. Чунки ўша пайтларда сендан бахтли одам йўқ эди, рўпарангдаги мана шу жажжи мўъжиза сенга олам-олам шодлик ҳада этарди. Меҳрли кўзларинг қувончдан порлаган эди. Қалбингда эса фарзандинг камоли, унинг келажагига ишонч туйғуси жўш урар эди. Сен уни баркамол инсон, ватанига содиқ фарзанд, инсониятнинг буюк давомчиси бўлишини истардинг. Илоҳим, барча истакларинг, ниятларинг рўёбга чиқсин.

ГЎЗАЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТАРАННУМИ

Мана, биз яна бир бора дostonларнинг гўзал, инсон қалбини ром эта оладиган гулшанига саёҳат қилдик. Бу гулшаннинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” каби ажойиб гуллари бор. Худди ана шундай гуллардан бири «Суҳайл ва Гулдурсун» дostonидир.

«Суҳайл ва Гулдурсун» дostonини ўқиган одам оламни бир қадар ёддан чиқаради, негаки дoston гўзаллик билан йўғрилган, эзгу инсоний фазилатлар нури билан ёритилган, мунаввар этилган. Худди ана шу гўзаллик, ана шу нур инсонни ўзига маҳлиё этади, унинг қалбини гўзалликка чорлайди, эзгуликка етаклайди. Лекин дostonда бу гўзаллик хунукликдан бошланади. Негаки хунукликни кўрмаган, билмаган инсон ҳеч қачон гўзалликни ҳис қилмайди, унинг қадрига етмайди. Худди мана шу гўзалликни қадрлашга, уни ҳис қилишга ўргатадиган хунуклик дostonда Суҳайлнинг занжирбанд этилишида ўз аксини топади.

Нега бу ҳолни хунуклик дея атаяпмиз? Ахир, бу ҳолатни биз хунукликдан бошқа нарса дея олмаймиз. Негаки ҳам ҳусни, ҳам қалби гўзал Суҳайлни бешафқат, қора занжир билан ўраб ташлашган. Бу аҳволга ҳатто қушлар-у ўсимликлар, умуман, бутун табиат ачинади, Суҳайлга далда бўлишга ҳаракат қилади. Лекин ана ўша атрофдаги одамлар қалбида гўзалликни, умуман, инсонийликни қадрлаш туйғуси бўлмайди. Агар бўлганда Суҳайлни шундай аҳволга солишармиди? Йўқ, албатта. Чунки қалби, орзу-умидлари

гўзал одамнинг ҳеч қачон нияти ёмон бўлмайди. Унинг ниятлари ҳам ўзи каби гўзал, соф бўлади. Суҳайл ҳам ана шундай кўнгли пок, ниятлари соф эди. Агар шундай бўлмаса, балки у тушида Гулдурсундай гўзал гулни ҳам уялтирадиган бир паримисол хурлиқони кўрармиди? Йўқ.

Тасаввур қилинг, ўй-хаёли даҳшатли, қабиҳ ниятларини амалга ошириш бўлган одам тушларида боғларда сайр қилиб юрса. Йўқ, у ҳеч қачон боғда сайр қилмайди, балки, қоронғу, зим-зимистон жойларда яшириниб юради. Ҳа, Суҳайл ҳам ташқи, ҳам ички тарафдан гўзал эди ва мана шу гўзаллик уни Гулдурсун билан бирлаштиради. Улар бир-бирига меҳр қўйишди. Бу меҳр иплари эса жуда мустаҳкам ва бақувват эди. Балки мана шу иплар ёрдам бергандир Гулдурсунга, унга қувват бергандир ёрини қутқаришга. Балки Суҳайлни ҳам мардликка, ёри учун қурбон бўлишга ундаган ҳам ана шу иплардир. Ҳа, ўзгача бўлиши мумкин эмас, негаки, юқорида айтиб ўтганимиздек, Суҳайл ҳам жисман, ҳам маънан гўзал эди. У гўзалликка интилар, уни қадрлар эди. У ана шу гўзалликни ёри тимсолида топган эди. Гулдурсун саҳрода сувсизликдан кўз юмгач, у топган гўзаллигидан айрилиб қолади. Энди ҳаёт ортиқча, чунки Суҳайлдек гўзал, пок одам гўзалликсиз яшаёлмас эди.

Менимча, «Суҳайл ва Гулдурсун» оддий дostonлардан эмас. Ушбу дoston гўзалликка етаклайди, гўзал бўлишга чорлайди. Гўзал одам эса ўзида эзгу, инсоний фазилатларни мужас-самлаштирган инсондир. Бундай қалбан гўзал одамлардан эса ҳеч қачон ёмонлик кутиб бўлмайди. Дostonнинг эътиборли томони ҳам ана шунда бўлса керак.

КУЗ

Ўтириб-ўтириб ўйланасан киши. Фасллар, дарахтлар, гуллар, осмон, қуёш, юлдузлар, ой, умуман, табиат гапирармикан-а? Албатта, гапирди. Йўқ, бунинг учун хаёл отига минишнинг кераги йўқ, фақат қалбдан сеза билиш лозим. Қизиқ-да, табиат ва унинг фарзандларига нима ёқишини билиш. Мен табиатдан сўраб кўрмоқчи бўлдим ва унинг фасллар ҳақидаги ажойиб ҳикоясини эшитдим.

Қиш, баҳор, ёз, куз деб аталмиш кўйлақларим бор, дея сўз бошлади табиат. Ҳар бир либосим қандайдир бошқача, бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бирининг ўзига яраша чиройи, зеб-зийнатлари, нақшлари бор. Айниқса, куз бошқача. Олтинранг матога қут-барака, пишиқчилик ипларида кашталар тикилган,

уларнинг орасида эса тарвуз, қовун сингари хилма-хил қимматбаҳо жавоҳирлар қадалган. Шамол эса кўйлак устидаги ҳарир мато. Булут бу матога ўралган қундуз ёқадир. Қундузнинг орасига дурлар қадалган, лекин бу дурлар мустаҳкам қадалмаган шекилли, тез-тез узилиб кетади ва ер билан битта бўлади. Бу ажойиб кўйлагим билан бирга мен доим тақиб юрадиган қуёш деб аталмиш олмос туморим бор. Бу туморнинг шундай сеҳрли кучи борки, у борлиққа ўз нуруни сочиб ёритади, иситади, унинг тафти билан ўсимликлар барқ уради. Лекин куз кўйлагимни кийганимда унинг қундуз ёқаси бу туморни тўсиб қолади-да, шунинг учун ҳам у баъзан-баъзан кўринади, холос. Яна бу кўйлагим...

Эҳ-ҳа, табиатнинг бу кўйлаги ҳақидаги ҳикоя ҳали анча давом этади, шекилли. Зеро, табиат ҳар доим бир либосда юрмайди, уларни алмаштириб туради. Табиат айтган ҳикоянинг давомини ҳам эшитардим-у, лекин мана шу сўзларнинг ўзиёқ қалбимда ёқимли илиқлик уйғотади. Табиатнинг кўйлагига ҳавасим келади. Қани энди мен ҳам ана шундай гўзал, барча учун қадрли бўлсам. Негадир кузни осмонларга мақтагим келди. Унга шеърлар, қўшиқлар тақдим этгим келди. Афсус, сўзга нўноқроқман.

Шунинг учун ҳам:

«Куз. Ҳарир либосинг бунча ярашган,
Товланасан гоҳи олтинранг бўлиб,
Гўёки заминни сен яшнатасан,
Жилога лиқ олтин кўйлагинг кийиб», —

дея олдим, холос.

**ТЕШАБОВА
МУҲАЙЁ
ЖЎРАБОВА**

1985 йил 6 апрелда Фарғона вилоятининг Риштон туманида туғилган. Фарғона вилояти Риштон туманидаги 27-мактабнинг 9-синф ўқувчиси (Маданият йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

М. Тешабоева ёшлигидан расм чиза бошлаган. Кейинчалик отасидан кулчилик санъатини ҳам ўрганган, сополдан турли хил буюмлар ясаб, унга турли расмлар чизади. Республика мукофот комиссиясига ўзи ишлаган 100

дан ортиқ халқ амалий ва тасвирий санъат намуналарини тақдим этган. Ҳақиқатан ҳам ўта ноёб истеъдод соҳибаси, санъатнинг тасвирий, ҳайкалтарошлик, амалий безак каби турлари бўйича ёшлигидан шуғулланади. Унинг рангтасвир, графика, декоратив — бадиий-амалий кулчилик санъати жанрлари бўйича ижодий ишлари ўзига хос услубга эга. Айниқса, А.Навоий асарлари қахрамонларига атаб чизган расмлари, «Тўмарис», «Амир Темур» деб номланган асари шарқ миниатюра санъатини ҳам пухта эгаллаб бораётганлигидан далолат берса, «Бободеҳқон», «Соғлом авлод», «Пахтакор аёл» деб номланган асарлари унинг замонавий мавзуларда ҳам маҳорат билан ижод қилаётганлигини кўрсатади. Унинг Республика ва вилоят кўргазмаларида 90 дан ортиқ асарлари намойиш этилган ва совринли ўринларни эгаллаган. У 2000 йилда Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган «Иқтидорли ёшлар» Республика кўрик-танловининг 3-ўрин совриндори, Фарғона вилоятида тасвирий ва амалий санъат соҳасида ўтказилган кўрик-танловларнинг ғолиби.

**РЎЗМЕТОВА
МАЛОҲАТ
ЭРКИНБОЕВНА**

1978 йил 24 ноябрда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. Боғот туманидаги Бобир номли 1-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси (Таълим йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилган).

М. Рўзметова Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. У ҳар бир дарсини янги педагогик технология асосида ўтка-

зишга, ўзи тайёрлаган кўргазмали материаллардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Малоҳат ҳозирги кунга қадар 5000 дан ортиқ кўргазмали қурооллар тайёрлаган. Ҳар йили анъанавий август кенгашларида ўз маърузалари билан фаол иштирок этади. Вилоят миқёсида ўтказилган «Энг яхши маънавият муаллими» мукофоти совриндоридир. Унинг шеър ва ҳикоялари туман ва вилоят газеталарида чоп этилган. Айниқса, мустақиллик дарсларини жуда юқори савияда ўтказди.

У ҳар бир дарсни янги педагогик технология асосида ташкил қилишга, дарсларда кўргазмали қурооллар, дидактик ва тарқатма материаллар ҳамда техник воситалардан кенг фойдаланган ҳолда ўтказгани учун унинг 30 нафар ўқувчиси 100 фоиз сифат ўзлаштиришига эга. У ўқитаётган синф ўқувчиларини чуқур билимли, маънавий етук, истиқлол ғояларига садоқатли ёшлар қилиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Малоҳат «Фидойи ўқитувчи» унвонига эга. Унинг «Тўқис эмас асли бу дунё» шеърый тўплами нашрдан чиққан. Байрамлар ўтказиш сценарийларини ёзиб, ўз ўқувчилари билан ижро этган.

**ХОЛМАҲМАТОВА
ШАҲНОЗА
БАХТИЁР ҚИЗИ**

1990 йил 12 июнда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Шаҳрисабз туманидаги А.Навобий номли 102-сон ихтисослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси (Санъат йўналиши бўйича мукофот тавсия этилган).

Шаҳноза мактабда аъло баҳоларга ўқийди, шу билан бирга адабиёт ва санъатга қизиқиши жуда баланд. Унинг ижодий фикрлаш даражаси юқори, Шаҳрисабз ва вилоят радио ва телевидениесига болаларга бағишланган «Болаликнинг рангли дунёси» ҳамда «Ширинтой» кўрсатувларини маҳорат билан олиб боради. Барча фанлардан «аъло» баҳоларга ўқийди, спорт билан шугулланади, ўзининг шеърлар тўпламига расмлар чизган ва миллий каштачиликни ўрганмоқда.

Вилоятда танлов асосида «Хуррият» фильмида шоира Зулфиянинг ёшлигини муваффақият билан ижро этган. Унинг «Оқсарой офтоби» номли шеърий тўплами нашрдан чиққан. «Соғлом авлод» йилига бағишлаб ўтказилган узлуксиз телемарафонда «Мушоира» кўрсатувида ўз шеърлари билан иштирок этган. Ўзбекистон радиоси «Ёшлар канали»нинг «Еттинчи фалак» ва «Ўзбекистон канали»нинг «Келажак тонги» эшиттиришларида ўзининг суҳбатлари, ҳикоялари ва шеърлари билан иштирок этмоқда.

Шеърлар

КЎКЛАМ

Кўкламой эрка экан,
Жуда қизиқ эртаги.
Кўйлагининг гули кўп,
Судралади этаги.

Деҳқонбой сочин силар,
Эзгу тилак тилида.
Ризққа қўшиқ битади,
Билдирмасдан дилида.

Болажонлар қувончи,
Ортиб борар ҳар лаҳза.
Болалар хаёлидай
Атроф рангдор, покиза.

КАПАЛАК

Капалак, ҳой капалак,
Қанотларинг камалак.
Гуллар ранги индима,
Билолмасдан мен ҳалак.

Учишинг ҳам чиройли,
Ҳавасим келар тайин.
Гоҳ кафитмга қўнасан,
Кўйлагинг жуда майин.

Капалак, ҳой капалак,
Қанотларинг камалак...

КУЛЧА

Онам хамир қорғанда,
Мен қулчача ясайман.
Қизиб турган тандирга,
Қизиқсиниб қарайман.

Нонлар пишар қизариб,
Ҳиди бирам ёқимли.
Кулчалар ҳам ёнида,
Кўз қувонар боқимли.

Кулчалар саватчада,
Гўёки митти қуёш.
Ҳавас билан боқаман.
Нон ёпдим, бўлсам-да ёш.

Онам хамир қорғанда,
Мен қулчача ясайман...

ҚИШ

Қишни бошлаб келади шамол,
Этагида бир гала совуқ.
Япроқларга қанот беради,
Аммо унда сира мадор йўқ.

Ун элайди осмонда кимдир,
Супра дея ернинг бетига.
Бўғотларни кумуш муз қоплар,
Деҳқон ётмас уват четига.

Чумолиллар эшик ёпади,
Онажонлар печка ёқади.
Кушлар эса дам олмоқ учун,
Жануб сари қанот қоқади.

ҲАНДАЛАК

Ҳандалак деса кўнгил,
Хушбўй ислар туяди.
Полизга борган чоғим,
Тоғам битта қўяди.

Сарғайибди шунчалар,
Мағзи шарбатга тўла.
Кўш ҳандалак укамга,
Олиб қайтдим бир йўла.

Уйга киргач, барчанинг
Кўнгли бирдай ёришди.
Ҳандалакнинг исига,
Ширмой ҳиди қоришди.

Маза қилди укам ҳам,
Ёноқлари ширали.
Менга мамнун боқади:
— Опа сенга минг балли!

СИНГЛИМ ШАҲЗОДА

Сингилжоним Шаҳзода,
Юрар доим озода.

Сочларида гул иси,
Кўзлари ҳам шаҳло-да.

Меваларни севар хўп,
Меҳнат қилар жуда кўп.
Пиёлани ювади,
Чивинларни қувади.

Меҳмон-меҳмон ўйнаса,
Баъзан келиб Шоҳида,
Нечундир косачалар
Синиб турар гоҳида.

Сингилжоним Шаҳзода,
Юрар доим озода...

ҲУМО

Ҳумоларнинг тилаги –
Ҳар элнинг бахти кулсин.
Бугдою пахтасига,
Хирмони ошиб тўлсин.

Осмонида юлдузлар,
Ой билан турсин чақнаб.
Боболари доноси –
Ҳар доим юрсин алқаб.

ЎЛКАМ

Ўлкамнинг сарҳадлари,
Тўла пахта-ю донга.
Турли неъмат тортилар,
Эл севган дастурхонга.

Бир томони боғу роғ,
Мевалари сершира.
Уни еган инсонлар
Қаримайдилар сира.

Мен каби болажонлар,
Қучоғида яйрайди.
Куч йиғиб улар ҳар чоғ,
Истиқболда ярайди.

ШАҲРИСАБЗ

Эртақлар маконисан,
Ҳар саройинг афсона.
Ҳайратланар юрагим,
Қўлимдан тутинг, она.

Боболарим ҳикмати
Онгимга оқиб кирар.
Момоларим алласи
Тилимга ёқиб кирар.

Оқсаройнинг шифтига
Нигоҳларим етмайди.
Хаёлимдан Темурнинг
Шижоати кетмайди.

Эртақлар маконисан...

ЮРАК

Сўз бўлгиси келар
Юрагимнинг.
Илиқ сўз бўлиб,
Ўксик кўнгилларни
Кўтарса.

Табассум бўлгуси келар
Юрагимнинг.
Тунд чехраларга иниб,
Қувонтирса кўзларни.

Ҳар тонг йўлакда
Гулларни кўриб,
Болаларни кўриб,
Шеър бўлгуси келар
Юрагимнинг...

МУНДАРИЖА

Мамутова Диана Собитовна.....	3
Номус кучи.....	3

Кўчқорова Ҳилола Норқўзиёвна.....	7
Юксак ўсимликлар систематикасидан амалий машғулотлар ўтказишга доир қўлланма (Кириш).....	7

Раҳмонова Навбаҳор Халиловна.....	10
-----------------------------------	----

Ҳикоялар

Унутилмас кун.....	11
Ўзимиз эккан чинорлар.....	12
Хатосини кеч англади.....	14
Гул, гулзор ва булут қиссаси.....	15
Ойимнинг совғаси.....	16
Ибраг.....	17
Алла.....	18
Ўкинч.....	19

Ражабова Дилфуза Шавкатовна.....	20
----------------------------------	----

Таржималардан

Америка байрамлари ҳақида.....	20
Янги йил куни.....	21
Рождество.....	22
Бошқа байрамлар.....	22

Исанова Зебунисо Холмуродовна.....	24
------------------------------------	----

Шеърлар

Ватан деб яшаймиз.....	24
Ватан.....	25
«Таним – Ватан меҳридан...».....	25
«Ватан саждагоҳдир...».....	25
«Баҳор келмай...».....	26
Бахтни қучаман.....	26

Юлдузга боқиб.....	26
Қор ёғмоқда.....	26
Она шаҳрим.....	27
Баҳор.....	27
Мирзакпарова Холида Тўрамирзаевна.....	28
Асқарова Гулжамол Шодмоновна.....	29

Шеърлар

Аждодлар шеъри.....	29
Шеъримга.....	30
Покланиш.....	31
Илинж.....	32
«Бир ёр топсак...».....	32
Эрк.....	33
Отамга мактуб.....	34
Зойитова Шахло Набиевна.....	35

Шеърлар

Ватан.....	35
Устоз Зулфия шеърларини ўқиб.....	36
Бепоён далам.....	36
Сизга ўхшасам.....	37
Юр, чиқайлик Наврўз сайрига.....	37
Баҳор.....	38
Аёл.....	38
«Оппоқ кўшиқ...».....	38
«Ҳеч қачон оналар...».....	39
Ёмон кўраман.....	39
Дугоналаримга.....	39
«Ўйларимга сиз шоҳ...».....	40
Ёз оқшоми.....	40
«Муҳаббат — қалба...».....	40
Холмуродова Зебунисо Баҳодировна.....	41

Шеърлар

Ўзбек хонадони.....	42
Гуллар бекаси.....	42
Рақиблар.....	42
Тўртликлар.....	43

Турғунбоева Гулноза Тоштемировна.....	44
---------------------------------------	----

Шеърлар

Азизсан, Ватан.....	44
Келинчак Наврӯз.....	45
Иккиюзламачи.....	45
Онаизор.....	46
Боланг асра.....	46
Тўқлиева Наргиза Боқижоновна.....	47

Ҳикоялар

Болалигим — подшолигим.....	48
Баҳор айёми.....	49
Аёл — она.....	50
Гўзаллик ва эзгулик тараннуми.....	51
Куз.....	52
Тешабоева Муҳайё Жўрабоевна.....	54
Рўзметова Малоҳат Эркинбоевна.....	55
Холмаҳаматова Шаҳноза Бахтиёр қизи.....	56

Шеърлар

Кўклам.....	56
Капалак.....	57
Кулча.....	57
Қиш.....	58
Ҳандалак.....	58
Синглим Шаҳзода.....	58
Ҳумо.....	59
Ўлкам.....	59
Шаҳрисабз.....	60
Юрак.....	60

Адабий-бадиий нашр

ЗУЛФИЯ ҚИЗЛАРИ

Муҳаррир Ж.Субҳон

Мусаввир Ҳ.Худойбердиев

Бадиий муҳаррир А.Бобров

Техник муҳаррир Т.Смирнова

Кичик муҳаррир Н.Фозилова

Мусаҳҳиҳ Ф.Ортиқова

Компьютерда саҳифаловчи С. Раҳмедова

ИБ № 4022

Босишга 5.11.2003 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Жами 1500 нусха. 3,36 шартли босма тобоқ. 4,0 нашр босма тобоғи. 371 рақамли буюртма. 63—2003 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
У. Юсупов кўчаси, 86.